Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 268 (4666).
25 НОЯБРЬ 1981 й.
ЧОРШАНБА.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ СЕССИЯСИ АРАФАСИДА

24 ноябрь куни Тошкентда Ўзбекистон ССР Олий Совети план-бюджет комиссиясининг мажлиси бошқа доимий комиссияларнинг вакиллари билан бирга ўтказилди.

1981—1985 йилларда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат беш йиллик планининг, 1982 йилги план ва бюджетнинг тегишли бўлимларини, шунингдек бу йилги план қандай бажарилаётганини кўриб чиққан тайёргарлик комиссияларининг иш якунлари муҳокама қилинди. Комиссия министрликлар, идораларнинг, халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетларининг таклифлари ва илтимосларини кўриб чиқиб, тегишли қарорлар қабул қилди.

Республикани иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг ўн биринчи беш йиллик плани, 1982 йилги плани юзасидан, 1981 йилги план қандай бажарилаётганлиги юзасидан, Ўзбекистон ССРнинг келгуси йилдаги Давлат бюджети юзасидан ва 1980 йилги бюджетнинг ижроси тўғрисидаги ҳисобот юзасидан доимий комиссияларнинг хулосалар текстлари тасдиқланди. План-бюджет комиссияси ва бошқа комиссияларнинг Ўзбекистон ССР Олий Совети тўртинчи сессиясидаги қўшимча доклади маъқулланди.

(ЎзТАГ).

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● 24 ноябрь куни КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев Эркин демократик партиянинг раиси, ГФР вице-канцлери ва ташқи ишлар министри Г.- Д. Геншер билан учрашди.

Суҳбат чоғида иккала давлатнинг ялпи тинчликни мустаҳкамлашга, халқаро кескинликни юмшатишни чуқурлаштиришга, ҳарбий қарама-қаршилик даражасини камайтиришга қаратилган биргаликдаги куч-ғайратлари муҳимлиги ва фойдали эканлиги тўғрисидаги фикр изҳор этилди.

● 24 ноябрь куни Л. И. Брежнев Христиан-демократик иттифоқ раиси Г. Коль билан суҳбатлашди.

Фикрлашув чоғида ҳозирги сиёсатнинг ва СССР билан ГФР ўртасидаги ҳамкорликнинг баъзи масалалари тўғрисида гаплашиб олинди.

● Шу куни Л. И. Брежнев Христиан-социал иттифоқ раиси Ф.- И. Штраус билан суҳбатлашди.

Суҳбатдошлар ўз фикрларини баён этиш вақтида жаҳон ривожининг ва СССР билан ГФР ўртасидаги муносабат истиқболларининг бир қанча актуал масалаларини тилга олдилар.

● 24 ноябрь куни Л. И. Брежневнинг Германия социал-демократик партияси раиси В. Брандт билан учрашуви бўлди.

Суҳбат вақтида иккала томон халқаро аҳвол ёмонлашганлиги, қуролланиш пойгаси тўхтовсиз давом этаётганлиги хусусида жиддий ташвиш билдирди.

ТОШКЕНТ, 24 ноябрь. Республика беш йиллик биринчи йили социалистик мажбуриятларини бажарганлиги —6 миллион тонна пахта тайёрланганлиги муносабати билан ўртоқ Л. И. Брежневнинг табригига бағишлаб ўтказилган тантанали митинг. Суратда: митинг президиуми.

(ЎзТАГ фотоси).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетига Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумига Ўзбекистон ССР Министрлар Советига

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ МЕҲНАТЧИЛАРИГА, ОЛИМЛАРИ ВА МУТАХАССИСЛАРИГА, ПАРТИЯ, СОВЕТ, КАСАБА СОЮЗ ВА КОМСОМОЛ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИГА, БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Азиз ўртоқлар!

Ўзбекистон меҳнаткашлари КПСС XXVI съезди қарорларини амалга ошира бориб, ажойиб меҳнат муваффақиятларига эришганликлари — шу йилнинг оғир об-ҳаво шароитларида барча қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириб, йиғим-теримни уюшқоқлик билан ўтказганликлари ва давлатга пахта, дон, сабзавот, полиз маҳсулотлари, узум, бошқа деҳқончилик маҳсулотлари сотиш юзасидан социалистик мажбуриятларини ортиғи билан бажарганликлари тўғрисидаги хабар КПСС Марказий Комитетида зўр мамнуният билан кутиб олинди.

Республика пахтакорлари яна юксак марраларга эришдилар. Улар 6 миллион тонна пахта, шу жумладан 370 минг тонна энг қимматли ингичка толали пахта териб олиб, тайёрлов пунктларига етказиб бердилар. Бу — мамлакат экономикасини ривожлантиришга қўшилган катта ҳиссадир.

Шу нарса жуда муҳимки, республикада қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг барча тармоқлари барқарор суратда ривожланиб бормоқда. Дон, сабзавот, картошка ҳосилдорлиги муттасил ошмоқда, уларнинг ялпи ҳосили ортмоқда, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш кўпаймоқда.

Республика қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда эришилган ютуқлар — колхозчилар ва совхоз ходимлари, мутахассислар ва олимларнинг фидокорона меҳнати натижаси, қишлоқ хўжалик ходимлари билан шаҳарларнинг меҳнаткашлари ўртасидаги қалин ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам натижаси, суғориладиган деҳқончиликни ривожлантиришга давлатнинг доимо ортиб бораётган маблағларидан, механизациялаш ва химиялаш имкониятларидан моҳирона фойдаланиш, кадрлар маҳоратини ошириш натижасидир. Бу — партия, совет, қишлоқ хўжалик органлари, касаба союз ва комсомол ташкилотлари олиб борган актив ва собитқадам ташкилотчилик ва сиёсий ишларнинг натижасидир.

Ўзбекистон меҳнаткашларини катта меҳнат ғалабаси билан қизғин ва сидқидилдан табриклайман ҳамда ўн биринчи беш йиллик биринчи йили ҳосили учун курашда актив иштирок этган колхозчиларга, совхозларнинг ишчиларига, хўжаликларнинг механизаторлари, раҳбарлари ва мутахассисларига, партия, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик органларининг ходимларига, ўқувчилар ва студентларга, барча кишиларга чуқур миннатдорчилик изҳор қиламан.

КПСС Марказий Комитети қатъий аминдирки, республика меҳнаткашлари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлаш талбирларини амалга ошириш соҳасида бундан буён ҳам сабот билан ишлайверадилар ва озиқ-овқат проблемасини ҳал этишга ҳамда мамлакатни қимматли қишлоқ хўжалик хом ашёси билан таъминлашга тобора кўпроқ салмоқли ҳисса қўшаверадилар.

Л. БРЕЖНЕВ.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВга

Азиз Леонид Ильич!

Биз, Ўзбекистон ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлари ва зиёлилари вакиллари митингининг қатнашчилари республиканинг барча меҳнаткашлари каби катта меҳнат ғалабаси — давлатга пахта, дон, сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари, мева, узум, каноп ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш планлари ҳамда социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажарилганлиги муносабати билан Сиз йўллаган самимий табрикнома ва қутловни зўр миннатдорчилик ва астойдил ташаккур ҳис-туйғулари билан кутиб олдик.

Ўзбекистон меҳнаткашлари Сизнинг табрикномангизни, Сизнинг илҳомбахш сўзларингизни ўз ютуқларига берилган юксак баҳо деб, КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукумати СССР қардош халқлари ягона оиласида Ўзбекистон ССРни янада равнақ топтириш тўғрисида, халқ фаровонлигини муттасил ошириш ҳақида тинимсиз эътибор бериб ғамхўрлик қилаётганлигинг яна бир ёркин ифодаси деб биладилар.

Ўзбекистон ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилида бутун халқ хўжалигида бўлгани каби агросаноат комплексини ривожлантиришда эришган муваффақиятлари — Коммунистик партия доно раҳбарлигининг, КПСС тарихий XXVI съезди қарорлари изчиллик билан амалга оширилаётганлигининг натижасидир. 1981 йилги меҳнат ғалабаси республикага улуғ рус халқи ва мамлакатимиздаги барча қардош халқлар бераётган бебаҳо, доимо ортиб бораётган интернационал ёрдам туфайли қўлга киритилди.

Биз улкан пахта хирмони учун, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг барча тармоқларини янада юксалтириш учун курашда ҳамиша ва ҳар ишда доимо шахсан Сизнинг, азиз Леонид Ильич, меҳрибонлигингизни ва бераётган эътиборингизни сезиб турибмиз ва бу бизга янги куч бахш этмоқда, севикли Ватанимиз шон-шуҳрати йўлида, коммунизм барпо этиш йўлида янги-янги зафарларга илҳомлантирмоқда.

Бу йил «оқ олтин» ижодкорлари учун об-ҳаво шароити мураккаб, қийин йил бўлди. Ҳавонинг совуқ келганлиги ўсимликнинг ривожини кечиктирди. Аммо қуёш ҳароратининг тақчиллиги пахтакорларнинг қалб кўри билан, ҳар бир меҳнаткашнинг фидокорлиги ва ғайрат-шижоати билан тўлдирилди.

Республика деҳқонлари, барча меҳнаткашлари ўз меҳнат ғалабасини КПСС Марказий Комитети 1981 йил ноябрь Пленуми ва СССР Олий Советининг олтинчи сессияси арафасида қўлга киритганлари билан фахрланадилар.

Сизнинг Пленумда сўзлаган ленинча доно нутқингизда беш йиллик биринчи йилидаги ишларнинг якунлари чиқарилди, мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантириш тенденциялари чуқур анализ қилинди, ривожланган социализм жамиятининг асосий, туб халқ хўжалик проблемалари белгилаб берилди, ҳозирги босқичдаги асосий вазифалар ўртага қўйилди ва уларни ҳал этиш йўллари кўрсатиб берилди.

Бутун партия, барча совет халқи каби республика коммунистлари, барча меҳнаткашлари Сизнинг нутқингизни эришилган натижалар билан қаноатланиб қолмасдан халқ хўжалигининг барча соҳаларида янги резервлар ва имкониятларни доимо қидиришга, ҳар доим олға бориб, кўпроқ натижаларга эришишга, ўн биринчи беш йиллик ҳамда 1982 йилги планларни шараф билан тўла ва ошириб бажаришга қаратилган конкрет жанговар ҳаракат программаси деб биладилар.

Сизнинг: «ҳамиша бўлганидек, Ўзбекистон пахтакорлари яхши ишладилар...», — деган сўзларингиз республикамизнинг барча меҳнаткашларида алоҳида ифтихор ва масъулият ҳисси уйғотди. Шу ажойиб баҳодан руҳланган республика меҳнаткашлари эришилган марраларни мустаҳкамлашга, барча турдаги деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни бундан буён ҳам таъминлашга, озиқ-овқат программасини бажаришга ўз ҳиссаларини қўшишга, коммунистик қурилишнинг ҳамма соҳаларида янги-янги муваффақиятларга эришишга азму қарор беришган. Биз пахта тайёрлашни муттасил кўпайтиришни, унинг сифатини оширишни ўзимизнинг ватанпарварлик ва интернационал бурчимизни бажариш соҳасидаги бош вазифа деб биламиз. 30 дан кўпроқ хорижий давлат Ўзбекистоннинг пахта толасини бир маромда, планга қатъий мувофиқ равишда олиб турибди. Биз бундан буён ҳам кучимизни аямай ялпи пахта ҳосилини кўпайтиришга, унинг сифатини оширишга, тармоқ янада интенсивлаштирилишига эришишга астойдил аҳд қилганмиз.

Азиз Леонид Ильич, партиямиз, унинг ленинча Марказий Комитети Сизнинг синалган раҳбарлигингизда мамлакатни коммунизм сари комил ишонч билан бошлаб бормоқдалар. Биз КПССнинг доно ички ва ташқи сиёсатини қизғин ва якдиллик билан, чин қалбдан маъқуллаймиз ва қўллаб-қувватлаймиз. Бутун дунёда тинчлик, совет кишиларининг бахт-саодати ва фаровонлиги — КПСС сиёсатининг олий мақсадидир.

Барча совет кишилари каби Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам Сизнинг халқаро кескинликни юмшатиш йўлидаги қаҳрамонона курашингизни юксак қадрламоқдалар. Сиз ҳозир Германия Федератив Республикасида олиб бораётган музокаралар ана шу олижаноб мақсадларга хизмат қилади, биз шу музокараларнинг муваффақиятли якунланишини тилаймиз.

Ўзбекистон ишчилари, колхозчилари, зиёлилари ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилини тугаллар эканлар, партия XXVI съезди белгилаб берган улуғвор режаларни амалга ошириш борасида яна ҳам кўпроқ сабот-матонат билан ишлашга, улкан ва порлоқ байрам — ССР Иттифоқининг 60 йиллигини муносиб кутиб олишга азму қарор бергандирлар.

Азиз Леонид Ильич, Улуғ Ленин ишининг содиқ давомчиси, ҳозирги замоннинг атоқли сиёсий ва давлат арбоби, халқлар тинчлиги ва ҳавфсизлиги йўлидаги эҳтиросли курашчи бўлган Сизга Ватанимиз бахт-саодати, порлоқ коммунистик идеаллар тантанаси йўлидаги кўп қиррали фаолиятингизда чин қалбдан битмас-туганмас ғайрат-шижоат, сиҳат-саломатлик, янгидан-янги катта муваффақиятлар тилаб билдирган ғоят қизғин, ғоят самимий истакларимизни йўллаймиз.

КПСС ленинчи Марказий Комитетини, СССР Олий Совети Президиумини, СССР Министрлар Советини, азиз Леонид Ильич, шахсан Сизни ишонтириб айтамизки, жонажон ленинчи партия теварагида маҳкам жипслашган Ўзбекистон ССР меҳнаткашлари ўзларининг бутун кучларини, билимлари ва тажрибаларини бундан буён ҳам кўп миллатли социалистик Ватанимизнинг шон-шуҳрати ва қудратини янада мустаҳкамлашга, равнақ топтиришга сарфлай берадилар.

Яшасин Улуғ Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

Барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига шон-шарафлар!

ВАТАН ТАБРИГИ ЯНГИ ЗАФАРЛАРГА ЧОРЛАЙДИ

РЕСПУБЛИКА БЕШ ЙИЛЛИК БИРИНЧИ ЙИЛИ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БАЖАРГАНЛИГИ — 6 МИЛЛИОН ТОННА ПАХТА ТАЙЁРЛАНГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ ТАБРИГИГА БАҒИШЛАБ ТОШКЕНТДА ЎТКАЗИЛГАН ТАНТАНАЛИ МИТИНГ

Ўзбекистон деҳқонларининг ўн биринчи беш йиллик биринчи йилида қилган меҳнати зўр ғалаба билан якунланди. Республика меҳнаткашлари КПССнинг тарихий XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларига иш билан жавоб бериб, ССР Иттифоқи ташкил этилган кунинг 60 йиллиги шарафига зарбдор вахтада ишлаб, бу йил давлатга пахта, дон, сабзавот, узум, полиз ва деҳқончиликнинг бошқа маҳсулотларини сотиш юзасидан олинган юксак социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажардилар. Об-ҳаво шароити бу йил жуда ноқулай кедишига қарамай, Ватан Ўзбекистоннинг 6 миллион тонна «оқ олтин»ини олди.

Шу боисдан 1981 йилнинг оширилган социалистик мажбуриятлари ортиғи билан бажарилганлиги — 6 миллион тонна пахта тайёрланганлиги муносабати билан КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ўзбекистон ССРдаги қишлоқ ва сув хўжалиги меҳнатчиларига, саноат корхоналарининг ходимларига, олим ва мутахассисларга, партия, совет, касаба союз ва комсомол органларининг ходимларига, барча меҳнаткашларига йўллаган табриги пахтакорларнинг олтин қўли яратган иш учун зўр қувонч ва ифтихор туйғулари билан кутиб олинди.

... В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройи байрам либосида. 24 ноябрь куни бу ерда республика меҳнаткашлари вакилларининг Ўзбекистон деҳқонлари эришган меҳнат ғалабаси муносабати билан ўртоқ Л. И. Брежнев йўллаган табрикка бағишланган тантанали митинги бўлди. Республика қишлоқ хўжалиги ва саноат ишлаб чиқаришининг илғорлари ҳамда новаторлари, партия, совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол вакиллари сарой залига тўпланишди.

Митингни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. Б. Усмонхўжаев очди.

Бу ерда ҳозир бўлган кишилар замонамизнинг атоқли сиёсий ва давлат арбоби, Ер юзида халқлар тинчлиги ва бахт-саодати учун оташин курашчи КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС ленинчи Марказий Комитетининг Сиёсий бюросини ғоят баланд руҳ билан фахрий президиумга сайладилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидовга сўз берилди.

Ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВ нутқи

Ҳурматли ўртоқлар, дўстлар!

Шонли пахтакорлар!

Республикамизнинг ҳар бир меҳнатчиси, ҳар бир кишисига бугун худди шундай сўзлар билан мурожаат қилишни истайсан, киши. Бунинг боиси шуки, ҳар бир киши пахта етиштириш учун жуда оғир долзарб кунларда Ўзбекистоннинг 6 миллион тонналик пахтасини қўлга киритишга бутун куч-ғайратини сарфлаб, муносиб ҳиссасини қўшди. Буюк, жуда муҳим ғалабага эришилди. Совет Ўзбекистони қонуний ифтихор туйғулари билан жонажон Коммунистик партияга. Совет ҳукуматига етиштирилган пахта ҳосили йиғиштириб олинди, бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини давлатга сотиш ва топшириш юзасидан олинган юксак социалистик мажбуриятлар тўла ва ошириб бажарилди, деб рапорт берди.

(Давоми иккинчи бетда).

ВАТАН ТАБРИГИ ЯНГИ ЗАФАРЛАРГА ЧОРЛАЙДИ

(Боши биринчи бетда).

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежнев республиканинг барча меҳнаткашларини, партия ташкилотини ана шу шонли меҳнат ғалабаси билан муборакбод қилди.

Ш. Р. Рашидов узоқ давом этган гулдурос қарсаклар остида ўртоқ Л. И. Брежнев табрикномасини ўқиб беради.

Леонид Ильич Брежнев табрикномасининг самимий сўзларида партиямиз Марказий Комитетининг, Совет ҳукуматининг республика меҳнаткашлари фидокорлиги ва қаҳрамонлигидан миннатдорчилик ўз ифодасини топди, республика партия ташкилотининг ташкилотчилик ва сиёсий фаолиятига юксак баҳо берилди, Ўзбекистоннинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришга, бизнинг ташаббусимизга зўр эътибор ва ғамхўрлик изҳор қилинди. Бундай эътибор ва ғамхўрлик ленинчи Марказий Комитетга, унинг Сиёсий бюросига, шахсан ўртоқ Л. И. Брежневга хос хусусиятдир.

Табрикноманинг завқ-шавқ бахш этувчи сўзларида пахтачиликни, қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини янада ривожлантириш соҳасида янги вазифалар қўйилди, Ўзбекистон меҳнаткашлари бу вазифаларни сўзсиз бажаришига ишонч билдирилди. Бундай ишонч бежиз эмас. У ҳалол меҳнатимизга, ҳар биримизнинг ўз бурчимизни виждонан бажаришимизга таянади.

Табрикноманинг ёрқин, илҳомбахш сўзлари келгусидаги зафарларга чорловчи қудратли омилдир. Ўзбекистон ишчилари ва колхозчилари, меҳнаткаш зиёлилари янада яхши, янада самарали меҳнат қилиб, янги беш йилликнинг биринчи йили — КПСС-нинг тарихий XXVI съезди ўтказилган йилни муносиб якунлаш, 1982 йилда жадал суръатлар билан олға ҳаракат қилиб бориш учун мустаҳкам замин вужудга келтиришга аҳду паймон қилдилар.

Қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари, Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг 1981 йилги ноябрь Пленумида ва давлатга пахта, дон, сабзавот, полиз маҳсулотлари, узум ва деҳқончиликнинг бошқа маҳсулотларини сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятлар бажарилганлиги муносабати билан йўллаган табригида ўзларининг меҳнатига юксак баҳо берганлиги учун Леонид Ильич Брежневга чин кўнгилдан ташаккур ва миннатдорчилик изҳор қиладилар.

Бу йил қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари учун қийин йил бўлди. Кўклам фаслининг чўзилиб кетиши, ёз фаслининг салқин келиши ёмғир, дўл, сел ёғишига сабаб бўлди. Бу ҳол моддий жиҳатдан катта зарар етказди, чигитни бир неча бор қайта экиб, ҳар гектар экинзорни табиат инжиқликларидан ҳимоя қилишга мажбур этди. Об-ҳаво шароити пахтакорлар руҳининг мустаҳкамлиги, сабот-матонати, мардлигини бамисоли синаб кўргандек бўлди.

Аммо Леонид Ильич Брежнев айтганидек, «об-ҳаво об-ҳаволигини қилади, иш эса ўз йўлига». Юксак даражадаги уюшқоқлик ва масъулиятни сезиш, аъло даражада олиб борилган иш об-ҳаво ноқулайлигидан кўрилган зарарни жуда оз даражага келтирди. Республика давлатга пахта топшириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятлар тўла ва ошириб бажарилганлиги тўғрисида шараф билан рапорт берди. Бутуниттифоқ хирмонига яна 6 миллион тонна «оқ олтин» юборилди.

Ўнинчи беш йилликнинг охирига келиб эришилган муваффақият мустаҳкамланди. Эндиликда биз Ўзбекистон пахтакорларининг олтин қўллари вужудга келтирган янги анъана тўғрисида тўла асос билан гапира оламиз. Бу анъана севикли Ватанни ҳар йили олти миллионли ҳосил билан қувонтиришдан иборат.

Биз бугун катта ғалаба байрамини нишонламоқдамиз. Бу ғалаба КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми ва СССР Олий Советининг олтинчи сессияси ўз ишларини давом эттирган кунларда қўлга киритилди.

Партиянинг бунёдкорлик даҳоси, унинг аграр сиёсати, партия XXVI съездининг тарихий қарорлари амалга оширилаётганлиги бу ғалабада ўз ўрнини топди.

Бу ғалаба ленинчи Марказий Комитетнинг, жонажон Совет ҳукуматининг социалистик Ўзбекистонни муттасил равнақ топтириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилаётганлигидан, улуғ рус халқи ва мамлакатимиздаги барча қардош халқлар республикага доим кўмаклашиб келаётганлигидан далолат беради.

Бу ғалаба пахта далаларида бутун халқимизнинг чинакам курашида қатнашган ҳар бир кишининг қобилияти ва меҳнатсеварлигини, мардлиги ва сабот-матонатини кўрсатиб турибди.

Олти миллион тонналi пахта етиштириш учун салмоқли ҳисса қўшишга, кўкламнинг биринчи кунлариданоқ ҳосил тўғрисида ғамхўрлик қилиб, ҳар бир кўсакни салмоқли қилишга интилган, кундузи ҳам, кечаси ҳам вақт билан ҳисоблашмай, ўзининг фахрли ва масъулиятли меҳнат вахтасида жонбозлик кўрсатган пахтакорларга, колхоз ва совхозларнинг раҳбарларига, барча деҳқонларга самимий миннатдорчилигимизни изҳор қиламиз.

Далаларнинг гвардиячилари деган шарафга муносиб бўлган механизаторларга чин кўнглимиздан раҳмат деймиз, уларнинг маҳорати, гвардиячиларча зарбдорлик билан қилган меҳнати туфайли 4 миллион тонна «оқ олтин» машиналар билан териб олинди.

Илҳомбахш меҳнатлари билан муштарак муваффақиятимизга ёрдам берган сув хўжалиги, «Госкомсельхозтехника» бўлинмалари ходимларига, тайёрловчилар ва транспортчиларга, темир йўлчилар ва авиаторларга, олимлар ва мутахассисларга самимий иззат-ҳурматимизни изҳор қиламиз.

Долзарб кунларда доим пахта майдонида бўлиб, шахсан намуна кўрсатиб, пахта фронтининг жангчиларини ўзларига эргаштириб борган партия, совет, касаба союз, комсомол органларининг ходимларидан миннатдор эканлигимизни билдирамиз.

Маданият, медицина, хизмат кўрсатиш ва савдо соҳаси ходимларининг қизғин иш кунларида пахтакорлар тўғрисида қилган ғамхўрлигини ғоят қадрлаймиз. Уларнинг куч-ғайрати билан дала шийпонларида кишиларга хизмат кўрсатиш иши, ғоят унумли меҳнат қилиш учун зарур шарт-шароитлар вужудга келтирилди.

Бизнинг мамлакатимизда шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлари ўртасидаги дўстлик ва ўзаро ёрдам муносабатлари Ўроқ ва Болға иттифоқи деб аталади. 1981 йилда етиштирилган ҳосил бу иттифоқнинг метиндек мустаҳкамлигини яна бир марта ёрқин тасдиқлади. Машинасозлар ва химиклар, нефтчилар ва энергетиклар, саноатнинг бошқа тармоқларидаги ходимлар ҳаммамизнинг ғалабамизга ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшдилар. Уларнинг собитқадамлик ва қунт билан ишлаганлиги туфайли совхоз ва колхозлар қудратли қишлоқ хўжалик техникаси билан, замонавий транспорт воситалари билан, пландан ташқари тонналаб етказиб берилган ёқилғи, минерал ўғитлар билан таъминланди.

Йиғим-терим шароити оғирлашиб, қўшимча ёрдам талаб этилган бир пайтда неча юз минглаб шаҳарликлар далаларга чиқишди. Ишчилар ва хизматчилар, студентлар ва ўқувчилар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Мурожаатига жавобан зўр ифтихор билан «Ҳозирги кунда ҳаммамиз пахтакормиз!» дедилар. Уларнинг ҳар бири виждон бурчи билан этак тутиб, теримчи бўлди. Уларнинг ҳар бири ўзининг ватанпарварлик бурчини шараф билан бажарди. Бунинг учун уларга самимий раҳмат деймиз, иззат-ҳурматимизни изҳор қиламиз!

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши бошқа тармоқларининг меҳнаткашлари КПСС XXVI съезди ўтказилган йилни жуда яхши кўрсаткичлар билан нишонладилар.

Ғаллакорлар биринчи марта 3 миллион тонна дон етиштирдилар, давлатга ғалла сотиш юзасидан оширилган социалистик мажбуриятларни муддатидан илгари бажардилар. Рекордли ҳосил етиштирган шоликорлар ва маккажўхорикорлар яхши намуна кўрсатдилар.

Пилла, картошка, сабзавот ва мева, полиз маҳсулотлари, узум, каноп, қоракўл тери ва жун тайёрлаш юзасидан олинган юксак социалистик мажбуриятлар муддатидан илгари бажарилди.

Чорвачиликни жадал суръатлар билан ривожлантириш жанговар ҳаракат программаси бўлиб қолди. Бу программа сут соғувчилар, молбоқарлар, чўпонлар, ем-хашак тайёрловчиларнинг ишларида рўёбга чиқди. Мол ва паррандалар сони ортди, уларнинг маҳсулдорлиги кўпайди. Чорвачилик маҳсулотлари ўтган йилдагига нисбатан илдам суръатлар билан тайёрланмоқда.

Бизнинг саноатимиз ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилида катта муваффақиятларга эришди. Ўзбекистон индустриясининг меҳнаткашлари ишлаб чиқаришни янада ўстириш ва техника-иқтисодий кўрсаткичларни яхшилашни таъминладилар. Ўн ойлик план ошириб бажарилди, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми ўтган йилдагига нисбатан 6,6 процент кўпайди. Капитал қурилиш, транспорт ва алоқа ҳамда экономика бошқа тармоқларининг ходимлари янгидан-янги муваффақиятларга эришдилар. Халқ хўжалигининг тез ва барқарор ривожланиши совет кишиларининг моддий ва маънавий турмуш даражасини янада юксалтириш вазифаларини муваффақиятли ҳал этишимиз учун имконият яратиб беради.

Ҳозирги кунда эришилган муваффақиятлар билан фахрланиш учун ҳамма асосларга эгамиз. Аммо бизнинг ифтихоримиз кибрланиш ва хотиржамликка зиддир ва шундай бўлиши ҳам керак. Партия бизга эришилган ютуқлар билан кифояланиб қолмай, балки тўпланган тажрибага таяниб, мавжуд барча резервлардан фойдаланиб, олға бориш, катта муваффақиятларга эришиш керак, деб таълим беради.

1982 йилда ва умуман беш йилликда бизнинг олдимизда кенг кўламдаги ишларни бажариш вазифалари турибди. Бу вазифалар XXVI съезднинг тарихий қарорларида, Леонид Ильич Брежневнинг КПСС Марказий Комитети 1981 йил ноябрь Пленумида сўзлаган ёрқин, ленинча доно нутқида, Пленумнинг ва СССР Олий Советининг олтинчи сессиясининг ҳужжатларида таърифлаб берилди. Бу вазифалар бизни халқ хўжалигини экономиканинг интенсив тараққиёт йўлига тезроқ кўчиришга йўналтиради. Улар иш самарадорлиги ва сифатини бутун чоралар билан ошириш, хўжалик механизмини тез такомиллаштириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, илғор тажрибадан, ишлаб чиқариш ва илмий-техника потенциалининг кенг имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш вазифасини зиммамизга юклайди.

Дала ва фермаларнинг меҳнаткашлари янги юксак марраларни эгаллашлари лозим. «Оқ олтин» етиштирувчи моҳир усталаримиз келгуси йилда яна рекордли ҳосил кўтаришлари, беш йилликда эса Ватанга камида 30 миллион тонна пахта топширишлари керак.

Партия белгилаб берган озиқ-овқат программаси ғаллакорларимиздан, чорвадорлар, сабзавотчилар, боғбонлар, узумчи соҳибкорларимиздан кўп куч ва ғайрат сарф қилишни талаб этади. Улар маҳсулот етиштириш ва тайёрлаш ҳажмларини кескин равишда кўпайтиришга қодирдирлар. Ердан ва капитал маблағлардан, сув ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, алмашлаб экишни тўла жорий қилиш, фан-техника тараққиёти суръатларини жадаллаштириш бу соҳада муваффақият қозониш йўлини очиб беради.

Ўртоқлар, жуда кўп иш қилишимиз кераклигини кўриб турибсиз, бундан буён ҳам муваффақият қозониш, режалаб қўйилган ишларни ҳамиша бажариш учун «улуғ меҳнат армиямиз»нинг ҳар бир ходими ўз иш жойида фойдаланилмаётган резерв ва имкониятларни қунт билан кидириб топиши, социалистик Ватан бахт-саодати йўлида ўз фаолиятининг самарадорлиги ва сифатини ошириши лозим.

Шонли меҳнат анъаналарига содиқ бўлган Ўзбекистон ишчилар синфи, унинг колхозчи деҳқонлари, мутахассислари ва олимлари, республикамиз шаҳар ва қишлоқларининг барча меҳнаткашлари партиянинг ғамхўрлигига жавобан СССР ташкил этилган куннинг 60 йиллиги шарафига социалистик мусобақани янада кенг авж олдирадилар ва бу билан КПСС XXVI съездининг тарихий қарорларини амалга оширишга муносиб ҳиссаларини қўшадилар, деб КПСС ленинчи Марказий Комитетини, Совет ҳукуматини, шахсан ўртоқ Л. И. Брежневни ишонтиришга ижозат бергайсиз.

* * *

Митингда сўзга чиққан Бухоро область партия комитетининг биринчи секретаря А. К. Каримов, Тошкент область партия комитетининг иккинчи секретари В. А. Антонов, Қорақалпоғистон АССР Қўнғирот районидаги Чапаев номли совхоз директори Онгарбой Қурбонниёзов, Сирдарё область Комсомол районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси Жавод Кўчиев, Тошкент трактор заводининг слесари В. А. Долженков, Тошкент давлат медицина институтининг студенти Доно Акрамова халқ фаровонлигини ошириш, барча қардош республикаларнинг экономикаси ва маданиятини ривожлантириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилаётганликлари, халқ хўжалигининг барча тармоқларини ва аввало пахтачиликни юксалтиришда Ўзбекистонга жуда катта ёрдам кўрсатаётганликлари учун, «оқ олтин» етиштирувчи кишиларга доим эътибор бераётганликлари учун жонажон Коммунистик партиядан, Совет ҳукуматидан, шахсан Леонид Ильич Брежневдан астойдил миннатдор эканликларини айтдилар.

Митингда таъкидлаб ўтилганидек, Ўзбекистон меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг 1981 йил ноябрь Пленуми қарорларини, ўртоқ Л. И. Брежнев Пленумда сўзлаган нутқида баён этган қоида ва хулосаларни зарбдор ишларнинг жанговар программаси, конкрет ҳаракат қўлланмаси, деб қабул қилдилар. Нотиқлар ҳозирги кунда республика шаҳар ва қишлоқлари меҳнаткашларининг, ҳар бир меҳнат коллективининг фидокорона ишлаб, коммунистик бунёдкорликдаги муваффақиятларни кўпайтириш, партия XXVI съездининг тарихий қарорларини ва ўртоқ Л. И. Брежневнинг тавсияларини амалга оширишдан ҳам муҳимроқ ва фахрлироқ вазифалари йўқ, деб таъкидладилар.

Ўн биринчи беш йилликнинг биринчи марраси муваффақият билан эгалланди! Аммо республика меҳнаткашлари олдида янги юксак марралар, янада мураккаб вазифалар турибди. Бу вазифаларни ҳал этиш учун мавжуд барча резервларни сафарбар қилиш, зўр ғайрат-шижоат билан меҳнат қилиш талаб этилади. Митинг қатнашчилари ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, олимлар ва халқ хўжалик мутахассислари партия ва халқнинг ишончини шараф билан оқлаш, беш йиллик планларини муддатидан илгари тўла ва ошириб бажариш учун куч-ғайратларини аямайдилар, деб ваъда бердилар.

Залда ҳозир бўлган кишилар тўла якдиллик билан гулдурос қарсаклар остида КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневга табрикнома қабул қилдилар. Улар бу табрикномада Ўзбекистондаги барча меҳнаткашларнинг фикр ва туйғуларини, уларнинг партия ва халқ ишига чексиз садоқатини изҳор қилдилар. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев табрикномани ўқиб берди.

ССР халқлари дўстлиги саройида ўтказилган тантанали митингда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзолигига кандидатлари Е. Айтмуротов, И. Г. Анисимкин, Л. И. Греков, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, А. А. Хўжаев, Қ. Камолов, Н. М. Маҳмудова, Л. Н. Мелкумов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Г. М. Орлов, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Р. Ҳ. Абдуллаева, Қ. А. Аҳмедов, Р. С. Ашуралиев, В П. Есин, А. Р. Хўжаев қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

РЕСПУБЛИКА ДЕҲҚОНЛАРИНИНГ КАТТА МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари партия XXVI съезди тарихий қарорларини изчиллик билан амалга ошира бориб, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг маслаҳатлари ва кўрсатмаларини муттасил бажара бориб, зўр меҳнат ғалабасига эришдилар — бу йилги бениҳоя қийин иқлим шароитларида пахта, дон, сабзавот, картошка, полиз экинлари, мева, узум, каноп ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан мўл ҳосил етиштирдилар, уларни уюшқоқлик билан йиғиб-териб олдилар ва беш йилликнинг биринчи йили социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажардилар.

Республика пахтакорлари мамлакат қардош халқлари олдидаги ўз интернационал бурчини бажариб, яна юксак марраларга эришдилар. Давлатга олти миллион тонна юқори сифатли пахта сотилди. Энг қимматбаҳо ингичка толали нав пахтадан 370 минг тонна топширилди.

Пахтакорларнинг меҳнатдаги ғалабаси қийин курашда қўлга киритилди. Апрель ойидан бошлаб бутун ёз мобайнида тез-тез ёмғир ёғиб турди, об-ҳаво совуқ бўлди. Самарали ҳарорат етишмаслиги оқибатида ғўзанинг ривожланиши жуда орқада қолди. Дўл, жала, ёмғир ва сел экинларга катта зарар етказди. Деярли бутун пахтазордаги ғўза зарарланди, 700 минг гектар ерда чигит қайта экилди. Кўпгина далаларда чигитни бир неча бор қайта экишга тўғри келди. Мана шуларнинг ҳаммаси ҳосилнинг пишиб етилмаслиги хавфини туғдирди. Аммо пахтакорлар чекинмадилар. Улар табиат офатларига уюшқоқликни, қаҳрамонона меҳнатни ва юксак маҳоратни қарама-қарши қўйдилар. Ғўзалар зўр бериб парвариш қилиниши туфайли мислсиз қийинчиликлар бартараф этилди, мўл пахта ҳосили етиштирилиб, ўз вақтида териб олинди. Ҳосилдорлик республикада ўрта ҳисобда гектар бошига 32 центнерни ташкил этди. Хоразм области хўжаликлари гектар бошига 40 центнер, Бухоро области хўжаликлари 39, Тошкент области хўжаликлари 36, Наманган области хўжаликлари 34, Сурхондарё области хўжаликлари 33 центнер, Ғиждувон, Ромитан, Пешку, Китоб, Янгиариқ, Хонқа, Боғот, Урганч, Бувайда, Қоракўл, Олот, Ғалаба, Пахтачи районларининг хўжаликлари гектар бошига 40 центнердан ошириб ҳосил кўтардилар. Кўпгина илғор хўжаликлар, юзлаб бригадалар гектар бошига 50 центнер ва ундан ҳам кўпроқ пахта териб олдилар. Улар орасида Хўжайли районидаги Ленин номли, Амударё районидаги «Партия XXII съезди», Ғиждувон районидаги Карл Маркс номли, Пешку районидаги «Москва», Хатирчи районидаги Чкалов номли, Ғалаба районидаги «Победа» колхозлари, Ромитан районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхози ва бошқа хўжаликлар, шунингдек Амударё районидаги Крупская номли колхоздан Қозоқ Камолов, Марҳамат районидаги Куйбишев номли колхоздан Саодатхон Муйдинова, Ромитан районидаги Нариманов номли колхоздан Истам Турсунов, Пахтакор районидаги Ульянов номли совхоздан Холбуви Рустамова, Китоб районидаги Куйбишев номли колхоздан Муҳаммади Гадоев, Косонсой районидаги «Правда» колхозидан Абдуваҳоб Саломов, Хатирчи районидаги Охунбобоев номли колхоздан Раҳмон Ризақулов, Қумқўрғон районидаги «Қизил Октябрь» колхозидан Ҳасан Мухторов, Ворошилов районидаги Свердлов номли колхоздан Абдували Рустамов, Чиноз районидаги Киров номли колхоздан Турсуной Охунова, Бекобод районидаги Ленин номли колхоздан Адолат Рўзматова, Бувайда районидаги «Партия XX съезди» колхозидан Мамадали Усмонов, Ҳазорасп районидаги Фрунзе номли колхоздан Салой Худойқулиев бошлиқ ва бошқа кўпгина пахтачилик бригадаларининг коллективлари бор.

Ҳосил терими бениҳоя тиғиз бўлди. Пахта чаноқлари кеч очила бошлади, териб олишга вақт кам қолди. Партия ташкилотларининг даъватига биноан, шаҳар ва посёлкаларнинг меҳнаткашлари, студентлар ва ўқувчилар пахтакорларга ёрдамга келдилар. Уларнинг ҳаммалари юксак онглилик ва интизомлилик кўрсатдилар, етиштирилган ҳосилнинг нобуд бўлишига йўл қўймаслик учун ҳар қандай об-ҳаво шароитида деҳқонлар билан ёнма-ён туриб пахта теримида фидокорона меҳнат қилдилар.

Аммо машиналар, пахта териш техникаси бу йил ҳам теримда ҳал қилувчи, бош ролни ўйнади. Механизаторлар ғалабага эришиш учун астойдил ирода ва қатъият кўрсатдилар. Ғўза парваришида бўлгани каби улар ҳосил теримида ҳам фидокорона меҳнат намуналарини намойиш қилдилар. 34 мингтадан кўпроқ пахта териш машинаси, кўп миқдордаги бошқа терим механизмлари ва транспорт воситалари ипатоволиклар методи асосида терим-транспорт отрядларига бирлаштирилиб, ишга солинди. Механизаторлар техника ёрдами билан тўрт миллион тонна пахта, яъни ҳосилнинг 67 процентини териб бердилар.

Тошкент областининг хўжаликлари жами ҳосилнинг 86 процентини, Жиззах областининг хўжаликлари 78, Сирдарё областининг хўжаликлари 74 процентини машиналарда тердилар, Ғалаба, Коммунистик Задарё, Пискент, Чиноз, Оққўрғон, Бўка, Ўрта Чирчиқ, Октябрь, Арнасой, Дўстлик, Мирзачўл, Оқолтин, Толимаржон районларининг механизаторлари машина терими салмоғини 80—90 процентга етказишни таъминладилар, Олот районидаги «Ленин йўли», Ғалаба районидаги «Заря коммунизма» ва Димитров номли, Боғот районидаги «Коммуна» колхозларида ва Октябрь районидаги С. Раҳимов номли, Арнасой районидаги Василевский номли, Толимаржон районидаги 2-«Коммунист», Учқўрғон районидаги Ленин номли, Гагарин районидаги «Пограничник», Оқолтин районидаги «Фарғона» ва «Андижон» совхозларида деярли бутун ҳосил машинада териб олинди. Пахта териш машиналарининг минглаб механик-ҳайдовчилари техникадан юксак самарали фойдаланиш учун курашиб, мавсум давомида 300—350 тонна ва ундан кўпроқ пахта тердилар.

Улар орасида Элликқалъа районидаги «Октябрь 60 йиллиги» совхозидан Искандар Қаландаров, Комсомолобод районидаги «СССР 50 йиллиги» совхозидан Сотибой Шокиров, Ромитан районидаги «Ромитан» совхозидан Аҳмад Ҳамроев, Дўстлик районидаги Ленин номли совхоздан Тўлан Дадажонов, Толимаржон районидаги 1-совхоздан Насриддин Абдуллаев, Задарё районидаги «Украина» совхозидан Сирожиддин Кироммиддинов, Нарпай районидаги Ислом шоир номли совхоздан Усмон Мамадиёров, Гагарин районидаги «Пограничник» совхозидан Панжи Шукуров, Ильич районидаги Волков номли совхоздан Хурсанд Давуров, Бўка районидаги «Ленинград» колхозидан Саидnаби Раҳмонов, Қува районидаги «Ленинизм» колхозидан Ғулом Мамонов, Хива районидаги Беруний номли колхоздан Болта Болтаев ва бошқа кўпгина кишилар бор.

Планни 117 процент бажарган Бухоро области, 116 процент бажарган Тошкент, 110 процент бажарган Жиззах, 107 процент бажарган Қашқадарё, 106 процент бажарган Сирдарё, 105 процент бажарган Хоразм, 102 процент бажарган Наманган, 101 процент бажерган Фарғона областининг колхоз ва совхозлари пахта етиштиришда жуда катта муваффақиятларга эришдилар. Қорақалпоғистон АССР, Сурхондарё, Самарқанд ва Андижон областлари планни бажариш арафасида турибдилар.

Беш йилликнинг биринчи йили катта пахта хирмони учун умумхалқ курашига республиканинг ҳамма хўжаликлари муносиб ҳисса қўшдилар. Бухоро областининг колхоз ва совхозлари давлатга 666 минг тонна, Қашқадарё области 699 минг, Фарғона области 582 минг, Андижон области 562 минг, Самарқанд области 529 минг, Сурхондарё области 499 минг, Тошкент области 491 минг, Наманган области 465 минг, Сирдарё области 429 минг, Хоразм области 423 минг, Қорақалпоғистон АССР 383 минг, Жиззах областининг колхоз ва совхозлари 374 минг тонна пахта сотдилар.

Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, хўжаликларнинг мутахассислари ва раҳбарлари, партия, совет, касаба союз ва комсомол активлари, республиканинг барча қишлоқ хўжалик меҳнатчилари қўлга киритилган муваффақиятни муносиб баҳолаш билан бирга Лениннинг эришилган натижа билан қаноатланиб қолмаслик, муттасил олға бориш, узлуксиз кўпроқ натижага эришиш тўғрисидаги васиятига амал қилмоқдалар. Улар мамлакат экономикасини мустаҳкамлаш учун пахтанинг аҳамияти нақадар катталигини яхши тушунадилар. 30 дан ортиқ чет давлат Ўзбекистон пахта толасини қатъий план асосида бир маромда олиб турибди ва унинг сифати тўғрисида биронта шикоят тушгани йўқ. Пахтакорлар «оқ олтин»нинг ялпи ҳосилини бундан буён ҳам куч-ғайратни аямай кўпайтиришга, унинг сифатини оширишга, тармоқни янада интенсивлашга эришишга азму қарор берганлар.

Республика деҳқонлари жуда катта қийинчиликларни бартараф этиб, бу йил ҳам қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини ривожлантиришда ажойиб муваффақиятларга эришдилар.

3 миллион тонна дон, шу жумладан 1,6 миллион тонна маккажўхори ва 520 минг тонна шоли етиштирилди. Давлатга 1 миллион 300 минг тонна ёки ўтган йили сотилганидан 30 процент кўп дон сотилди. Бунча миқдордаги дон биринчи марта тайёрланди. Тайёрланган жами доннинг 534 минг тоннаси буғдой ва арпа, 427 минг тоннаси шоли, 339 минг тоннаси маккажўхоридан иборат. Қорақалпоғистон АССР ва республиканинг ҳамма областлари давлатга дон сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларни анча ошириб бажардилар. Қорақалпоғистон хўжаликлари 260 минг тонна, Қашқадарё области хўжаликлари 200 минг тонна, Самарқанд области хўжаликлари 130, Жиззах области хўжаликлари 120, Тошкент области хўжаликлари 105 минг тонна дон топшириб, энг юқори кўрсаткичга эришдилар. Колхоз ва совхозлар кузги дон экинлари экишни тугалламоқдалар.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг суғориладиган ерларга маккажўхори ва шоли экишни бутун чоралар билан кенгайтириш ва ҳосилдорликни ошириш тўғрисидаги кўрсатмаларини бажариш натижасида республикада дон етиштиришни кўпайтиришнинг юксак суръатларига эришилди. Шу экинлар донини етиштириш йил сайин кўпайиб бормоқда. 1975 йилга нисбатан ялпи маккажўхори ҳосили 3,2 баравар, шоли ҳосили 1,8 баравар кўпайди.

Республикада мева-сабзавотчиликни янада ривожлантириш йўлида янги катта қадам қўйилди. Сабзавот, картошка, полиз экинлари, мева ва узумдан мўл ҳосил етиштирилди. Бу йил мана шу қимматли маҳсулотларни етиштириш биринчи бор 505 миллион тоннага етди ёки 1975 йилдагидан 1,6 баравар кўпайди. Давлатга мева-сабзавот сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятлар анча ошириб бажарилди. Тайёрлов пунктларига 3,3 миллион тонна мева ва сабзавот топширилди, бу эса планнинг 117 процент бажарилганидан дарак беради. Сабзавот тайёрлаш плани 116 процент, картошка тайёрлаш плани 133, полиз маҳсулотлари тайёрлаш плани 111, мева тайёрлаш плани 129, узум тайёрлаш плани 115 процент бажарилди.

Бу йил мамлакатнинг саноат марказлари учун Умумиттифоқ фондига 1 миллион 58 минг тонна сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари, мева ва узум юборилиб, план 28 процент ошириб бажарилди. Республика колхоз ва совхозлари Москва шаҳрига ва бошқа шаҳарларга биринчи бор 28 минг тонна эрта ва ғоят эрта картошка етказиб бериб, планни 116 процент адо этдилар. Сабзавот етказиб бериш плани 152 процент, полиз маҳсулотлари етказиб бериш плани 112 процент, хўл мева етказиб бериш плани 102 процент, узум етказиб бериш плани 103 процент бажарилди.

РСФСР, Украина, Белоруссия, Москва, Ленинградга, Болтиқбўйи республикаларига ва бошқа республикаларга пиёз етказиб бериш планлари ва қўшимча топшириғи тўла-тўкис бажарилди. Жами 293 минг тонна пиёз жўнатилди.

Давлатга мева-сабзавот маҳсулоти сотиш социалистик мажбуриятларини бажаришга Қорақалпоғистон АССР ва республиканинг барча областлари муносиб ҳисса қўшдилар. Энг кўп миқдорда маҳсулот топширган Тошкент областининг хўжаликлари 905 минг тонна, Самарқанд областининг хўжаликлари 494 минг тонна, Фарғона областининг хўжаликлари 280, Жиззах областининг хўжаликлари 271, Наманган областининг хўжаликлари 213, Андижон областининг хўжаликлари 211 минг тонна мева-сабзавот сотдилар.

Маҳсулот тайёрлаш, қишга ғамлаб қўйиш ва уни Умумиттифоқ фондига етказиб бериш давом этмоқда.

Республика канопчилари йилни муваффақиятли якунладилар. Давлатга 333 минг тонна каноп пояси сотилиб, план 104 процент бажарилди.

Республика пиллачилари юксак кўрсаткичларга эришдилар. Давлатга салкам 32 минг тонна, ёки планнинг 117 проценти миқдорида пилла сотилди.

Республикада чорвачиликни ривожлантириш суръатлари йил сайин кучаймоқда. Ўнинчи беш йиллик мобайнида тўққизинчи беш йилликка нисбатан гўшт етиштириш йилига ўрта ҳисобда 31 процент, сут етиштириш 42 процент, тухум етиштириш 65 процент кўпайди. Бу йил ҳам чорвачиликдаги ишлар яхши бормоқда. Ўтган йилга нисбатан ҳамма турдаги чорва туёғи ва парранда кўпайди, уларнинг маҳсулдорлиги ошди, гўшт ва сут етиштириш 6 процент, тухум етиштириш 7 процент кўпайди. Давлатга қоракўл ва жун сотиш йиллик планлари ҳамда мажбуриятлари бажарилди. Чорвачиликнинг бошқа маҳсулотларини тайёрлаш анча илдам ўтказилмоқда.

Фермалар маҳсулотини етиштиришни янада кўпайтиришни таъминлаш мақсадида чорвачиликнинг ем-хашак базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Хашак тайёрлаш плани 124 процент бажарилди. Ўтган йилга нисбатан анча кўп миқдорда силос бостирилди, витаминли ўт талқони тайёрланди. Чорвадорлар чорва қишловига яхши ҳозирлик кўриб, уни муваффақиятли ўтказмоқдалар.

Пахта етиштириш, қишлоқ хўжалигининг бошқа барча тармоқларини ривожлантириш соҳасидаги юксак кўрсаткичлар — колхозчилар ва совхозларнинг ходимлари қилган фидокорона меҳнатнинг, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассислари ижодий активлигининг, партия, совет, қишлоқ хўжалиги органлари, касаба союз ва комсомол ташкилотлари қишлоқда ўтказган моҳирона ташкилотчилик ва сиёсий ишларнинг натижасидир. Қишлоқ партия ташкилотлари қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш, ҳосилни йиғиштириб олиш ва тайёрлашнинг ҳамма босқичларида матонат кўрсатиб, оммани қийинчиликларни бартараф этишга, КПСС XXVI съезди қарорларини муваффақиятли бажариш учун курашга моҳирона сафарбар этдилар.

Қардошларча ўзаро ёрдам берилмаса, бундай ғалабага эришиш қийин эди. Қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари ҳосил терімининг қийин дамларида қишлоққа бебаҳо ёрдам берган шаҳарларнинг, район марказларининг меҳнаткашларидан, студентлар ва ўқувчилардан астойдил миннатдордирлар. Қишлоқ хўжалигини техника, ўғит билан, бошқа моддий техникавий ресурслар билан, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида техника тараққиётини ривожлантириш ва интенсивлаш учун зарур бўлган ҳамма нарсалар билан таъминлаб турган ишчилар синфига ва барча саноат ходимларига сидқидилдан ташаккур. Граждан авиациясининг учувчилари, тайёрлов ва транспорт ташкилотларининг ходимлари пахтакорларга катта ёрдам бермоқдалар.

Ўзбекистон деҳқонлари, республиканинг барча меҳнаткашлари суғориладиган деҳқончиликни ривожлантириш тўғрисидаги доимий ғамхўрлик, пахтачиликни, дон хўжалигини, деҳқончилик ва чорвачиликнинг бошқа барча тармоқларини юксалтиришдаги ҳар томонлама ёрдам учун, пахтакорларнинг оғир меҳнатига оталарча меҳрибонлик учун КПСС Марказий Комитетига, Сиёсий бюрога, Совет ҳукуматига, шахсан Леонид Ильич Брежневга чуқур миннатдорчилик туйғуларини изҳор этадилар.

Партия ва ҳукуматнинг ғамхўрлигига жавобан республика қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари фидокорона ишламоқдалар. Ҳозирги вақтда далаларда қолган ҳосилни териб олиш учун зўр ғайрат билан меҳнат қилинмоқда, кузги-қишки тадбирлар амалга оширилмоқда, келгуси йил ҳосили учун мустаҳкам замин яратилмоқда.

Республикада саноат ва капитал қурилиш соҳасидаги планлар барвақт бажарилмоқда. Саноат ишлаб чиқариши ўн ойлик плани муддатидан илгари бажарилди, пландан ташқари 215 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди, ўтган йилга нисбатан товар маҳсулотнинг кўпайиш суръати 6,6 процентни ташкил этди.

Капитал маблағнинг умумий ҳажми ва қурилиш-монтаж ишлари юзасидан белгиланган 10 ойлик план бажарилди.

Ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йили тугай деб қолди. Республикада юксак меҳнат ғайрати жўш урмоқда. Корхона ва ташкилотларнинг, колхоз ва совхозларнинг коллективлари СССР ташкил этилган куннинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан мажбуриятлар қабул қилмоқдалар, шу шонли воқеага атаб олтмиш зарбдор ҳафта ўтказмоқдалар, халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида план ва социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун, КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини амалга оширишда янги муваффақиятларга эришиш учун курашмоқдалар.

Партия турмуши: ҳисобот ва сайловлар

Матбуот маркази хабар қилади

Бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот ва сайловлар ниҳоясига етяпти. Улар етилган масалаларни ҳал этишда ва навбатдаги вазифаларни ҳал этишда коммунистларнинг ишчанлиги, активлиги ва чуқур қизиқиши вазиятида ўтмоқда. Йиғилишларда учетда турган коммунистларнинг 96 процентдан зиёдроғи қатнашди. Ҳисобот докладлари бўйича музокараларда ўртача ҳар тўрт коммунистдан бири сўзга чиқди.

Йиғилишларда коллективлардаги ғоявий-тарбиявий ишларни яхшилаш, коммунистларнинг активлигини ошириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, кадрлар билан ишлашни такомиллаштириш масалалари ишчанлик билан қизғин муҳокама қилинмоқда. Партия ташкилотларининг маъмурият фаолиятини назорат қилиш ҳуқуқини қандай амалга ошираётганликлари, касаба союз ва комсомол ташкилотларига, халқ контроли группа ва постларига қандай раҳбарлик қилаётганига катта эътибор берилмоқда.

Йиғилишлар танқид ва ўз-ўзини танқид, партия ташкилоти ишларининг туб масалалари бўйича ўзаро қизғин фикр алмашиш вазиятида ўтяпти. Коммунистлар камчилик ва нуқсонларни партиявий принципиаллик билан очиб ташламоқдалар, фойдаланилмаётган резервларни тилга олмоқдалар. Ҳозиргача 5 мингдан зиёд таклиф ва танқидий мулоҳазалар билдирилди.

Район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари коммунистларнинг барча таклиф ва танқидий мулоҳазаларини ҳисобга олиш, таҳлил этиш ва умумлаштириш бўйича оператив чоралар кўришяпти. Буларнинг бешдан бир қисми ҳозирдаёқ амалга оширилди.

ЯНГИ ТАШАББУСЛАР

Ҳисобот ва сайлов мобайнида коммунистлар СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш ва беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш юзасидан янги оширилган мажбуриятлар қабул қилишяпти.

Масалан, 2505 автоколонна коммунистлари ташаббуси билан «Техникадан тўла фойдаланайлик, унинг чидамлилигини ва узоқ ишлашини таъминлайлик» ҳаракати кенг тус олди. Шу йилнинг тўққиз ойи ичида планга қўшимча 33 минг тонна халқ хўжалик юклари ташилди. Бу ерда иқтисод ва тежамкорлик учун кураш коллектив фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолган. 300 минг километрни капитал ремонтсиз босиб ўтиш мусобақасида юзга яқин ҳайдовчи қатнашмоқда. 37 шофёр юк машиналарининг 400—500 минг километрлик маррасига эришиш учун курашмоқдалар.

Экспериментал 6-ҳайкалтарошлик ишлаб чиқариш комбинати коммунистлари, бутун коллективи Улуғ Октябрь 64 йиллиги ва комбинат ташкил этилганлигининг ўн йиллиги шарафига 1981 йил планини бажариш мажбуриятини олишган эди. Коллектив умумхалқ байрами арафасида йиллик топшириқ муддатидан илгари бажарилганлиги ҳақида рапорт берди.

2-маршрут таксилари автотранспорт корхонаси партия ташкилоти ҳисобот-сайлов йиғилишида 1981 йил планини шу йилнинг 24 декабригача барча асосий кўрсаткичлар бўйича бажариш мажбурияти олинди. Коммунист-ҳайдовчилар Постников ва Крамаренко беш йиллик топшириқни 3,5 йилда бажаришга сўз беришди. Улар ваъдаларига вафо қилмоқдалар.

«Чевар» ишлаб чиқариш бирлашмаси коммунистлари ўртасида Тошкент ва республиканинг бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажариш мажбуриятини олган 15 илғор ишчилари ташаббуси кенг қулоч ёйди. Бирлашманинг 1-цехида бу ташаббусни 19 ишчи қўллаб-қувватлади. Корхонада кийимларнинг 16 хил янги модели жорий этилди. 6 таси давлат Сифат белгисини олди.

7-таксомотор парки партия ташкилоти ҳисобот-сайлов йиғилишида Сергели район партия комитети аъзоси, ҳайдовчи С. Абдуазимов беш йиллик планнинг тўрт йиллик топшириғини Тошкентнинг 2 минг йиллигигача бажариш мажбуриятини олди. 4-автопарк ҳайдовчиси Т. Абдураҳмонов беш йилликни тўрт йилда бажаришга сўз берди. Транспортчилар бу ташаббусга қўшилдилар.

«Средазгидропроект» институтининг коллективи аввал қабул қилинган социалистик мажбуриятга қўшимча гидротехник иншоотлар қурилишининг таннархини яна 5 миллион сўмга камайтириш учун курашмоқдалар.

Илмий-тадқиқот ва лойиҳа ташкилотларидаги ҳисобот-сайлов йиғилишларида асосий эътибор илмий ишлар самарадорлигини ошириш, фаннинг энг сўнгги ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, коммунистларнинг ижодий активлигини оширишга қаратилмоқда. Масалан, «Оргтехстрой» институтининг катта инженери, КПСС аъзоси Липкина «Ҳар бир илмий иш — ихтиро, ҳар бир ходим — ихтирочи» ҳаракатига қўшилишга даъват этди. Химия саноати қадоқлаш ва ўраш ускуналари, Тошкент конструкторлик ва техника бюроси коммунистлари «Ўн биринчи беш йилликда ҳар бир конструкторлик ишида фан ва техника ютуқларидан, ихтиролардан фойдаланайлик» ташаббуси билан чиқдилар.

КОММУНИСТЛАРНИНГ ТАКЛИФ ВА ТАНҚИДИЙ МУЛОҲАЗАЛАРИ

Коммунистлар йиғилишларда сўзга чиқиб, партия ташкилоти жанговарлигини оширишга, партиявий-сиёсий ишларни такомиллаштиришга қаратилган конкрет таклифлар ва мулоҳазалар билдирмоқдалар.

«Межгорсвязьстрой» трестининг 4-қурилиш-монтаж бошқармаси ҳисобот-сайлов йиғилишида монтажчи В. Новиков партия бюроси ва бошқарма маъмурияти эътиборини Боку шаҳридаги алоқа объектларида меҳнат қилаётган 50 дан зиёд кишининг ишини яхшилаш юзасидан чоралар кўриш зарурлигига эътиборни қаратди. Шу нарса ташвиш туғдирадики, объект монтаж ишлари учун бўш тайёрланган. Барча ходимлар ҳам асбоб ускуналар билан таъминланган, деб бўлмайди. Қурувчиларга етарли шароит яратиб берилмагандан улар объектларда тунаб қолишга мажбур бўлмоқдалар. Коммунист мулоҳазасини ҳисобга олиб алоқа объектларидаги ишни тартибга солиш чоралари кўриляпти.

71-механизациялашган колонна коммунисти А. Гапоненко партия ташкилоти ва маъмурият шаънига тарбиявий ишлар жойларда бўш йўлга қўйилгани ҳақида мулоҳазалар билдирди. Бу жойларда кадрлар қўнимсизлиги юқори. Шунингдек ремонт-механика устахонаси ишидаги бир қатор камчиликлар кўрсатиб ўтилди.

3-автобус парки йиғилишида коммунист М. Мадалиев маъмуриятни автомашиналар сифатсиз ремонт қилинаётгани, эҳтиёт қисмлар етишмаётгани учун танқид қилди. Коммунистлардан Т. Аҳмедов, А. Исмоилов, А. Тешабоев партия бюроси эътиборини ғоявий-сиёсий тарбия бўйича, маҳаллий комитетга раҳбарлик бўйича ишлар коллективда бўшашиб кетганига қаратди.

ВАЗ областлараро маркази коммунистлари В. Захаров, Д. Муслимов ўз сўзларида ишчиларни меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш бўйича партия бюроси ишидаги нуқсонлар ҳақида гапиришди. Сифатсиз узель ва агрегатлар тайёрлаш ҳоллари танқид қилинди. Коммунист А. Отаматов коллектив ўртасида ишлаб чиқариш топшириқларини бажариш билан боғлиқ сиёсий-тарбиявий ишларни яхшилаш зарурлигини айтиб ўтди.

«Госкомводстрой»нинг «Промгражданстрой» коммунистлари Н. Гусев, В. Архангельскийлар топширилган ишни бажариш — қурилиш-монтаж ишлари планини адо этиш коммунистларнинг масъулият ҳиссини ошириш, уларнинг партиявий топшириқларини бажаришдаги масъулиятини кучайтириш бўйича партия бюроси камчиликларини кўрсатиб ўтишди.

«Лифтремонт» ремонт-қурилиш бошқармаси партия бюросининг иш методларини пропаганда қилиш, энг яхши ишчилар ва бригадирлар иш тажрибасини ёйиш бўйича етарлича иш олиб бормаётганини коммунистлар А. Савинов ва Ф. Бесковний ўз сўзларида айтиб ўтишди.

«Техсложбитприбори» область бирлашмасининг мастери О. Шчербинин бирлашмадаги автотранспорт иши бир меъёрда ташкил этилмаётгани учун коммунист-раҳбарлар шаънига танқидий эътироз билдирди.

Стрельцов номидаги 1-авторемонт заводининг участка мастери коммунист А. Умаров бош механик бўлими коммунист-раҳбарлари шаънига дастгоҳлар ремонтини тезлаштириш, дастгоҳлардан фойдаланиш унумдорлигининг пасайиши планини бажаришга салбий таъсир кўрсатаётгани ҳақида фикрлар айтиб ўтди.

ЖОНАЖОН ВАТАН БЎЙЛАБ

ВИЛЬНЮС. Вильнюс яқинида ишга тушган тозаловчи иншоотлар системаси Нерис дарёсининг тоза бўлишини таъминлади. Бу система Болтиқ денгизи сув муҳитини муҳофаза қилиш комплекс планига мувофиқ тузилди. Беш йиллик охиригача Литвадаги ҳамма сув ҳавзалари ифлосланишдан пухта ҳимоя этилади.

МУРМАНСК. Мурманск аэропортидан Кола ярим ороли районларига бориладиган йўл қисқа ва қулай бўлиб қолди. Жўшқин Кола дарёси орқали ўтказилган янги кўприк ва асфальт ётқизилган магистраль аэропортни Мурманск-Ленинград тош йўли билан боғлади.

КРАМАТОРСК (Донецк области). «Новокраматорский машиностроительний завод» бирлашмасида кончилик корхоналари учун кўтарувчи машиналар ишлаб чиқарила бошланди. Улар шахта ва кон рудаларидаги эскириб қолган машина-ускуналар ўрнини олади ва биноларни капитал қайта қурмасдан аввалги фундаментларга ўрнатилади. Йилига 350 минг сўмдан кўпроқ пулни тежашга имкон берадиган биринчи агрегат — «Кривбассруда» бирлашмасининг «Победа» шахтасига юборилди.

(ТАСС).

ТУРИСТИК МАРШРУТЛАР БЎЙЛАБ

Ангрен шаҳар саёҳат ва экскурсия бюроси ходимлари мактабгача ёшдаги болалар ва ўқувчилар учун янги туристик маршрутлар очдилар. Шахтёрлар шаҳрининг болалари Ангреннинг марказий кўчалари бўйлаб мароқли саёҳат қиладилар. Бу экскурсия «Қизил, сариқ, кўк» деб аталади. Болалар боғчаларининг тарбияланувчилари шаҳардаги асосий кўчаларда йўл ҳаракати, хавфсизлик техникасининг асосий қоидалари билан танишадилар. Каттароқ ёшдаги болалар шаҳардан ташқарида «Бизни қуршаб турган табиат», «Ўзбекистоннинг доривор ўсимликлари», «Тоғ ва афсоналар диёри» маршрутлари бўйлаб сафарга чиқадилар. Бу маршрутлар ўқувчиларга ўз ўлкаларининг ўтмишини, диққатга сазовор жойларини, ўсимлик ва ҳайвонот оламини яхшироқ билиб олишга кўмаклашади.

МАШИНАСОЗЛАР ТАВСИЯЛАРИ АСОСИДА

«Ташсельмаш» заводининг ўн бешта цехида корхонада меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлигини ташкил этиш юзасидан социалогик тадқиқотлар ўтказилди. Анкета савол-жавобида машинасозлардан олти юз киши қатнашди. Улар ишлаб чиқаришдаги шовқинни тугатишга, иш ўринлари ёритилишини яхшилашга қаратилган юздан ортиқ таклиф киритдилар.

АВТОБАЗА ҲУЗУРИДА

Чирчиқ шаҳридаги 10-автобаза ҳузурида очилган даволаш комплекси составида яна 2 та даволаш профилактика кабинети ва фин ҳаммоми очилди. Комплекс корхонани социал ривожлантириш планига мувофиқ автомобиль хўжалиги маблағи билан қурилди. Шофёрлар ва ремонтчилар бу ерда докторлар кўригидан ўтадилар, зарур дори-дармон қабул қилиб соғлиқларини мустаҳкамлайдилар.

(ЎзТАГ).

Саломатлик ҳақида суҳбатлар

● ЁШГА БОҒЛИҚМИ, ТАБИАТГАМИ? ● ЧИНИҚҚАНГА — ДАРД ЮҚМАЙДИ ● КАЙФИЯТ ЯХШИ БЎЛСИН ● САЙРУ САЁҲАТ — ТАНГА РОҲАТ ● ИССИҚ ВА СОВУҚҚА КЎНИКИНГ ● ТАБИАТ НЕЪМАТИ — ДОРИ-ДАРМОНДАН ЯХШИ

Газетхон илтимоси

ОБ-ҲАВОНИНГ СОҒЛИҚҚА ТАЪСИРИ БОРМИ?

Ҳурматли редакция! Фаслларнинг алмашиши билан об-ҳаво ўзгариши натижасида одам аъзосида унинг қандай таъсирлари бўлади? Баҳор, куз ва қиш пайтларида баъзи хасталикларнинг қайталанишига сабаб нима? Бунинг олдини олиш учун нималарга эътибор бериш керак?

Оқшомхонлардан Ш. Утанов, Қ. Мусаев, А. Каримов, Х. Билов, М. Каримова, Р. Қодиров ўртоқларни ана шу саволлар қизиқтирган.

∴ ∴ ∴

Об-ҳаво ҳақида маълумот берилаётган вақтда ҳар қандай ҳаяжонли суҳбатни тўхтатиб, уни тинглаймиз. Бундай маълумотлар ҳаммани ҳам тўлқинлантириб юборади. Энг аввало катта ёшдаги, айниқса, об-ҳаво айнишини билан ўзини ёмон ҳис қилиб боши оғрийдиган кишиларда ҳаяжонланиш ва ташвишланиш кучлироқ бўлади.

Ҳақиқатан ҳам одам кайфияти билан об-ҳаво ўртасида боғланиш борми? Агар боғланиш бўлса, у нималардан иборат? АПН мухбири Н. Павлова СССР курортология ва физиотерапия Марказий илмий текшириш институти иқлимни ўрганиш ва иқлим билан даволаш бўлимининг илмий ходими Т. Швейнова билан шу ҳақда суҳбатлашди:

— Агар биз болалик чоғларимизни эсласак, нима сабабдандир об-ҳаво таъсирини сира ҳам сезмас эдик...

— Соғлом боланинг кайфияти доимо яхши бўлади. Шунингдек, катталарнинг кайфияти ҳам қуёшли кунларда булутли кунларга нисбатан яхшироқ кечади. Болалар организми об-ҳаво таъсирида чиниқиб боради, чунки улар доимо ҳаракатда бўлишади. Уларни «ўт-олов» дейишади. Шунингдек улар дам олиш кунлари уйдаги супуриш-сидириш, ювиш каби ишларни унчалик бажаришмайди, ёки бўлмаса улар баъзи ота-оналар каби сигарет тутатиб телевизор қаршисида узоқ вақт мук тушиб ўтиришмайди. Улар доимо зир югуриб кўча, боғ, хиёбон ва стадионларни кезади, ўртоқлари билан чена, велосипед учади. Шу ўринда бир нарса устида тўхташга тўғри келади. Нима сабабдан болаларга нисбатан чақалоқлар кўп хасталикка чалинади? Бунинг сабаби оддий. Ота-оналар гўдакларни ўраб-чирмашади, етти қават кийим кийгизиб, боланинг танасини ҳар ёқдан сиқиб қўйишади. Натижада бундай гўдаклар шамоллаш касалликларига чалинади.

Ўсмирлар билан катталар ўртасида кийинишда ҳам фарқ бўлади. Баъзи кексалар салқинроқ кунларда ҳам ўта иссиқ кийим-бош кийиб олишади. Бу бора-бора об-ҳавога берилиб кетишга, сезувчанлик ортишига олиб келади.

— Об-ҳаво ўзгарган вақтда организм чидамлилиги нима сабабдан йўқолади? У қаерга йўқолади? Сиз қуйидаги машҳур ҳазил мақолга қандай фикр билдирасиз: агар эллик ёшдан сўнг сенинг ҳеч қаеринг оғримаса, ўзингни тамом бўлдим деб ҳисобла, агар сенда бирор хасталик топилса, унинг «сири» бор.

— Одатда хасталикка чалиниш одам ёшига боғлиқ эмас. Хасталик кўпинча тасодифан ёки одам ўз саломатлигининг қадрига етмаслиги натижасида келиб чиқади. Одам организми ўз ҳимоя кучига эга, лекин у доимо ёрдамга муҳтож бўлади. Очиғини айтиш керакки, биз кўпроқ пиёда юриб, сайр қила оламизми? Ёз кунлари бир оз яланг оёқ юриб, оёқлар чигалини ёзишга, шаҳар чеккасига чиқишга, мириқиб ухлашга вақтимиз етадими? Уй юмушлари ва ҳаёт ташвишлари баъзан бунга йўл қўймайди. Шуни айтиш керакки, дори-дармонлар учун сарф этилаётган харажатларни она табиат қўйнида, иқлим ёрдами билан шифо топиб, кескин камайтириш мумкинлиги тажрибаларда аниқланган. Қадимги спартанлар қишин-ёзин бўз кийиб, ярим яланғоч юрганларини бир эсланг. У вақтда иссиқ кийим кийиш умуман тақиқланган эди. Шунга қарамай, улар узоқ умр кўрган эдилар. Уларнинг аёллари эса ўз даврида саломатликлари билангина эмас, ҳатто ажойиб сочлари билан ҳам машҳур бўлганлар. Буларнинг ҳаммаси одам ўзини иқлим шароитларига мослаштира олишига боғлиқ.

— Метеопатология деганда биз нимани тушунамиз? Буни айтишга ноқулай-ку...

— Метеопатологияда об-ҳавонинг одам организмига таъсир этадиган турли томонлари ўрганилади. Ўзида у ёки бу хасталиги бўлган кишиларга ҳаво ҳароратининг кескин ўзгариши, унинг намлиги ёки қуруқлиги, шамолнинг тезлиги, магнит зарралари, қуёш нури ва ҳоказоларнинг таъсирлари илмий кузатувлар воситасида ўрганилади. Сўнгги йилларда бу соҳада кўпгина янгиликлар қўлга киритилди.

Мутахассисларга шу нарса равшанки, саломатлиги унча яхши бўлмаган катта ёшдаги одамларга ўзлари ўрганган иқлимларини айирбошлаш қатъиян ман этилади. Одатда, шимолдан жанубга келадиган одамда суткали ҳамда мавсумий биологик ритмлар ўзгаради. Совуқ иқлим таъсирига кўникиб қолган одам организми ўта иссиқ иқлим шароитига тезда мослаша олмайди. Натижада бундай меҳмонлар хасталикка чалинишлари мумкин. Дўстларнинг бир-бирларининикига бориш-келишлари зарурият юзасидан бўладиган бўлса, об-ҳавонинг қулайроқ пайтини танлаш керак.

Мамлакатимизнинг турли чеккаларида иқлим шароитлари турлича бўлади. Шундан хоҳлаган пайтни танлаб олиш мумкин. Масалан: шимолда яшовчилар Ўрта Осиё республикаларига март-апрель ойларида, авжи гуллар очилган чоғда, Кавказга эса июль ойларида ташриф буюришлари мумкин.

Ўз танасини чиниқтиришни истаган кишиларга бизнинг қуйидаги тавсияларимиз бор. Булар: Аэротерапия, талассотерапия ва гелиотерапия усулларидир.

Аэротерапия — касалликнинг олдини олишда очиқ ҳавода сайр этиб, очиқ ҳавода ухлаш усулидир.

Талассотерапия — денгиз иқлими шароитида танани чиниқтиришдир.

Гелиотерапия — қуёш воситасида чиниқишдан оқилона фойдаланиш. Биз ишлаб чиққан тавсиялардан санатория, курорт ва дам олиш уйларининг шифокорлари тўла-тўкис фойдаланмоқдалар.

— Тўғри, Сизларнинг об-ҳаво ҳақидаги медицина мулоҳазаларингизни баъзан газеталар ҳам ёритмоқда.

— Тўғри. Бу бизнинг Гидрометцентр билан биргаликда олиб бораётган ишимиздир. Об-ҳаво маълумотларига эътибор билан қараш керак. Об-ҳаводан турли-туман ҳодисаларни кутиш мумкин. Одатда ҳамма учун ва ҳар бир одам учун хос бўлган реакциялар (қаршилик кўрсатувчи кучлар) бўлади. Уларни икки группага бирлаштириш мумкин. Улардан бири торайиш ҳолатида бўлади. Айтайлик, бугун ҳаво босими юқори, лекин ҳарорат паст, кучли шамол эсади. Об-ҳавонинг бундай ҳарорати қон томирлар торайишига, нафас сиқилишига олиб келади. Натижада томир, ўпка ва меъда касаллигига чалинганлар бундай вақтда ўзларини ёмон ҳис этадилар.

— Шундай кунлар бўладики, нафас олишга ҳаво етишмайди. Қуритилган балиқдай, оғзимизни очиб, ҳаллослаб қоламиз. Бундай вақтда қандай чоралар кўриш лозим?

— Ҳаво етишмаслиги гипоксия (тўқималарда кислород миқдорининг камайиши) дейилади. Бундай ҳолат об-ҳавонинг тездан айнаб, чанг-тўзон кўтарилиши ва қуруқ ҳаво оқими келиши натижасида бўлади. Об-ҳавонинг бундай ўзгарувчанлик ҳолатини пухта ўрганиш жуда фойдали. Масалан: совуқдан сақланишда томоқни шарф билан ўраймиз, ҳаво босими кучли таъсир этганда таблетка ичамиз. Нафас олишни эса яхшилаш анча оғир. Ҳатто бунинг учун таблетка ҳам ҳали ишлаб чиқилмаган.

— Демак, очиқ ҳавода кўпроқ сайр қилиб, зилол сувларда чўмилсак ва қуёшда тобланиб турсак, об-ҳаво бизнинг ҳамроҳимиз бўлар эканда?

— Шу билан бирга, яхши кайфият билан она табиатга мафтункор боқиш аччиқ чой ва кофе ичгандан ҳам кўра яхшироқ лаззат улашади.

Н. ПАВЛОВА,
АПН мухбири.

ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!

МЕДИЦИНА ЕЛИМИ

Украинадаги юқори молекуляр бирикмалари химияси институтида медицина елими яратилди. Бу махсус елим билан операция қилиб бўлмайдиган ва ёрилиб кетиш хавфи бўлган майда қон томирлар елимланади.

Елим суртилган жойда юпқа полимер парда-деворча ҳосил бўлиб, хавф олди олинади. Бу елимга бошқа зарур дори-дармон аралаштириб бир қанча хасталикларни даволаса бўлади. Аъзога дори-дармон билан елим ҳам зарарсиз сингиб кетади.

∴ ∴ ∴

ЎСИМЛИК ПИШЛОҒИ

Токио магазинларида ўсимлик мойидан тайёрланган пишлоқ — сирлар сотила бошланди. Ўсимлик пишлоғи асосан ёғсизлантирилган сут, ловия оқсили ва ўсимликлар мойидан тайёрланмоқда.

Ўсимлик пишлоғида холестерин моддаси жуда кам бўлгани учун сиҳат-саломатлик учун фойдалидир. Ўсимлик пишлоғи арзон ва мазаси жиҳатидан қора мол маҳсулотидан тайёрланган пишлоқдан фарқ қилмайди.



Шифокорлар қалбидан беморга доим меҳр-муҳаббат ёғилиб туради. Шундай врачлардан бири Н. Файзуллаевдир. У медицина фанлари кандидати. Уттиз икки йилдан бери шифокорлик қилиб келмоқда. Н. Файзуллаев ёш кадрларни тайёрлашда ҳам сидқидиллик кўрсатади. Республика травматология ва ортопедия илмий-тадқиқот институтида уни ҳамма ҳурмат қилади.

СУРАТДА: Н. Файзуллаев (чапда) Тошкент медицина институти VI курс студентлари М. Ҳожиев, Т. Родионова ва Б. Богдановлар билан беморнинг синган оёғи рентген суратини кўздан кечирмоқда.

Х. Мирзакаримов фотоси.

• Билиб қўйган яхши

ФИТОНЦИД НИМА?

Кўпчилик дарахтлар, буталар ва ўтлардан доимий фитонцидлар тарқалиб туради. Фитонцид нима? Бу кишиларга, дарахт ва ўсимликларга зиён келтирувчи ҳар хил микробларни, бактерияларни қирадиган фойдали модданинг биридир. У айниқса, дарахтларнинг баргларидан ва гуллардан кўп чиқади. Биргина арча дарахтидан бир кунда 30 граммгача фитонцид моддаси атрофга ёйилади. Қайин, эман, терак, жийда, шафтоли, ўрик кўплаб фитонцид моддасига эга.

Фитонцид медицинада беморларни даволашда дори сифатида қўлланилади. Пенициллин, грамицидин каби дорилар дарахтлардан чиқадиган фитонцид моддасидан тайёрланади.

Қиш кунлари уйларда гул ва ҳар хил ўсимликларни сақлаш, жойларда боғлар барпо этиш, кўчаларнинг икки четини дарахтлар ва буталар билан безаш одамлар сиҳат-саломатлиги учун жуда фойдалидир.

К. ОРИФХОНОВ,
биология фанлари кандидати.

ТО СПРАВКАЛАР БЮРОСИ

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

М. АСРОҚУЛОВ: Рентгенолог врачлар ҳамда рентген лаборантларга имтиёзлар бор, деб эшитамиз. Лекин аниқ маълумот билмаймиз. Бизни ана шу имтиёзлардан хабардор қилсангиз? Улар неча йил иш стажи билан пенсияга чиқадилар?

Жавоб: Рентгенолог врачлар ва рентген лаборантларга бир қатор имтиёзлар бор. Жумладан иш вақти — 5 соат, иш пайтида сут берилади, йиллик меҳнат отпуска — 30 иш кунидан иборат, маошларига ўн беш процент қўшимча ҳақ тўланади. Аёллар ўн беш йиллик иш стажи билан (етти ярим йил рентген соҳасида ишлаган бўлишлари керак) 45 ёшдан; эркаклар 20 йил иш стажи билан (ўн йил рентгентда ишлаган бўлишлари керак) 50 ёшдан қарилик пенсиясига чиқадилар. Бундай имтиёзлардан олий ёки ўрта медицина маълумотига эга бўлган, махсус рентген лабораторияси курсини тамомлаган, асосий ставкада ишлаган мутахассисларгина фойдаланиш ҳуқуқига эгалар.

* * *

М. БОЛТАБОЕВА: Болам бир ёшга тўлган. Унинг оёғи туғма ногирон. Мен ишга чиқишим керак, лекин боламга қарайдиган одам йўқ. Ҳозир поликлиникага қатнаб даволатяпман. Иш жойимдан менга қандай шароит яратилиши мумкин? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Жавоб: Аввало психоневрология диспансери ёки Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармасининг бош педиатр врачларига учрашиб, боланинг инвалидлик группасини белгилаш ва нафақа тайинлаш керак. Болани поликлиника орқали даволаттанда, онага маълум муддатгача касаллик варақаси очилади. Бола 5 ёшдан ошгач инвалид болалар уйига расмийлаштириш мумкин. Ногирон ўзини-ўзи эплолмайдиган боланинг ишловчи оналарига шароит яратиб бериш уларнинг иш жойидаги маъмуриятга боғлиқ. Агар маъмурият яратиб берган шароит қониқарсиз бўлса, бундай ҳолда ишдан вақтинча бўшашга тўғри келади.

* * *

О. АҲМЕТОВ: Саккиз фарзандимиз бор. Улар араб тилини ўрганишни хоҳлашяпти. Тошкентда араб тилини ўргатадиган мактаб ёки махсус курслар борми?

Жавоб: Тошкент шаҳар халқ маорифи Бош бошқармасига қарашли бешта мактабда араб тили ўқитилади. Жумладан 1, 22, 29-мактаблар — Собир Раҳимов районида, 150-мактаб — Киров районининг Аваз Ўтар ўғли кўчасида, 156-мактаб — Ҳамза районининг Жарқўрғон кўчасида жойлашган. Бу мактабларга ўқувчилар 1-синфдан қабул қилинадилар.

* * *

У. ХОЛИҚОВА: Темирйўл транспортидан фойдаланишда кундузги бўлим студентлари 50 процент миқдорида йўл ҳақи тўлашади. Бу имтиёздан кечки бўлимда ўқийдиган студентлар ҳам фойдаланишлари мумкинми?

Жавоб: СССР Темирйўл министрлигининг СССР Министрлар Совети билан келишиб қабул қилган қарорига биноан, олий ўқув юртларининг студентлари, ўрта махсус билим юртларининг ўқувчилари, ўрта мактабларнинг кундузги ўқувчилари, партия мактаби, тайёрлов бўлимларида ва бошқа курсларда ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиётган кишилар 1 октябрдан 15 майгача темир-йўл транспортида катнаганликлари учун 50 процент миқдорида ҳақ тўлашлари жорий этилган.

Кундузи ишлаб, кечқурун ўқувчилар, шунингдек олий ўқув юртларининг кечки бўлимларида ўқиётган студентларнинг темирйўл транспортидан фойдаланганликлари учун 50 процент ҳақ тўлашлари «СССР темир йўлларида пассажирлар ва юк ташиш қоидалари» тўғрисидаги мажмуада кўрсатилмаган.

ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ФАКТЛАР

«БИЗНИНГ ДЎСТИМИЗ — ҲИНДИСТОН»

Шу йилнинг бошларида Ҳиндистонда бўлиб қайтган режиссёрлар Олег Лебедев ва Юрий Егоров Москвадаги ҳужжатли фильмлар Марказий студиясида суратга олаётган фильм ана шундай номланади.

— Мамлакатимизда Ҳиндистонга бўлган қизиқиш қадимий тарихга эга, — деб ҳикоя қилади режиссёр Олег Лебедев. — XVIII асрлардаёқ рус маърифатпарварлари Радишчев ва Новиков ўз мақолаларида Ҳиндистондаги мустамлака тартибларини ғазаб билан қоралаган эдилар, ўтган аср ёзувчилари Карамзин ва Жуковский ҳинд поэтик асарларини рус тилига таржима қилишган, революционер-демократлар Герцен ва Добролюбов Ҳиндистондаги миллий қўзғолонни қўллаб-қувватлаган эдилар. Л. Н. Толстой ҳам Ҳиндистон билан ниҳоятда қизиққан эди. У Маҳатма Ганди билан хат ёзишиб турган, унинг ижодини чуқур ўрганган. Кўриб турибсизки, Россия билан Ҳиндистон ўртасидаги алоқалар азалий бўлиб, ўзаро ҳурмат ва эҳтиром ҳисси билан суғорилган.

Биз яратаётган фильм олдига қўйилган асосий вазифалардан бири халқларимиз ўртасидаги бузилмас дўстликни, ҳозирги босқичда Совет — Ҳиндистон муносабатлари ва ҳамкорлигининг ривожланишини кўрсатиб беришдан иборат. Картина Индира Ганди ва Л. И. Брежневнинг дўст Ҳиндистонда ва Совет Иттифоқида бўлиб ўтган учрашувлари — ҳар икки мамлакатнинг ҳозирги замоннинг энг муҳим проблемалари бўйича позициялари бир-бирига яқинлигидан, бутун дунёда тинчлик учун уларнинг биргаликда ҳаракат қилаётганликларидан далолат берувчи учрашувлари ҳақида ҳикоя қилади.

— Ҳиндистонда бўлган вақтимизда биз, — деб суҳбатни давом эттирди Юрий Егоров. — Иқтисодий ҳамкорлигимиздан далолат берувчи объектларда — совет мутахассислари ҳинд инженерлари ва ишчилари билан елкама-елка туриб меҳнат қилаётган Бхилаи, Ранчи, Бокаро заводларида, шунингдек рус тили ўқитилаётган ва М. Горький номли Совет — Ҳиндистон дўстлиги клуби ташкил этилган мактаблардан бирида суратга олдик. Шубҳасиз, Ҳиндистоннинг тарихи ва маданиятидан далолат берувчи кўп сонли кўҳна ёдгорликлар ҳам лентадан ўз ўрнини олади.

— Биз, мамлакатимизда ҳам кўпгина кадрларни суратга туширдик, — деб ҳикоя қилишади фильм авторлари. — Томошабинлар Калинин шаҳрида, биринчи бўлиб Ҳиндистонга сафар қилган рус кишиси — Афанасий Никитиннинг Ватанида, Боку яқинидаги оташпарастлар эҳромида (ана шу ерда XVIII — XIX асрларда ҳинд мустамлакаси бўлган), Ўзбекистон Фанлар академиясининг қадимги ҳинд қўлёзмалари хазинасида, шунингдек дўст мамлакат учун маҳсулот ишлаб чиқараётган корхоналарда бўладилар.

Картинани биз Ҳиндистонга иккинчи сафаримиз тугаганидан сўнг монтаж қила бошлаймиз. Биз яна Бомбей, Ҳайдаробод, Боа шаҳарларида бўлмоқчимиз. Кералада ҳам суратга оламиз.

Дмитрий ЗЕЛЕНКО.
(АПН).

Яҳъё ТОИРОВ

ЭҲ, БИЗ ОДАМЛАР...

(ҲИКОЯ)

Қаранглар-а, бу қандай кенг жаҳон! Булутлар остимизда, устимизда зумрад осмон. Қуёш чарақлаб ёниб турибди. Ўркач-ўркач оппоқ булутлар сузмоқда.

Қизиғ-а, бундан икки-уч минут илгари ерда эдик. Ҳаво бур зумда айниб, кўк юзини қоронғулик қоплади, «учмаймиз» деб хавотирландик. Энди эса ҳаммаёқ чароғон жаҳонга чиқиб олдик. Вужудимни болаларга хос бир шўхлик чулғади. Деразага талпинаман. Йироқ-йироқларда сариқ-қизғиш рангда товланган камалаклар, олдимизда эса, ажиб бир тиниқлик.

Самолёт ичига назар ташладим. Ҳамма хотиржам. Мана олдимиздаги парда тортилган бўлимдан кийимлари ўзига ярашган, кўзи билан юзи бирдек куладиган ширингина бир қиз патнисда конфет кўтариб чиқди. Шўхроқ йигитлар уни тилёғламалик билан мақтасалар, баъзилар унинг илтифотидан мамнун эди.

Ширин хаёллар оғушида маст бўлиб бир оз мизғиб олибман, қанча ухладим, билмайман, аммо бировнинг қаттиқ туртишидан уйғониб кетдим. Қарасам, бир гапириб ўн куладиган ҳамроҳимнинг кўзлари қинидан чиқай деб, лаблари титраб кетяпти.

— Ҳа, нима гап? —сўрадим ундан. У бўлса зарда билан деразага имо қилди:

—Нима бўларди, самолёт ерга қўнолмаяпти.

Дарҳол деразага ёпишдим. Қарасам заминни юпқа қора булут қоплабди! Ерда ёниб турган чироқлар бир кўриниб, бир кўринмай жимилламоқда. Соатимга қарасам, дарвоқе, ерга қўнадиган вақтдан беш минут ошиб кетибди. Шунда ҳам хавотирланмадим. Чунки бундай шароитда самолёт сал кечикиб бўлса ҳам ерга тушишини билардим. Бироқ бу сафар ундай бўлмади. Самолёт Олмаотани яна бир марта айланиб чиқди.

—Самолётнинг ғилдираги чиқмаётган бўлса керак, —оғир хўрсиниб уқтирди ҳамроҳим ва қўшиб қўйди: —аёлим бечора зорланиб, «туман куни йўлга чиқманг» деса унамагандим мен аҳмоқ. Астағфурулло, мана энди бўлса...

Унинг сўзига кулгим келди. Тўғриси ҳам шу-да, заминни босиб тургандагина одам эканмиз, бошимизга салгина ташвиш тушса, нима қилишимизни билмай қоламиз...

Бошга тушганни кўз кўради, дедим-да яна орқамга ташландим. Дастлаб кўзимни маҳкам юмиб, ҳеч нарсани ўйламасликка тиришдим. Бўлмади. Боя сафарга узатиб чиққан аёлим билан болаларим кўз олдимга кела бошлади. Уларнинг умидли боқишлари, самимий тилакларини ўйларканман, яшашнинг нақадар лаззатлилигини ҳис қилдим. Яна деразага ёпишдим. Самолёт ҳамон аввалгидек бир юқорилайди, бир пастлайди. Бориб-бориб менинг кўнглимда ҳам қўрқинч пайдо бўлди. Бошқалар ҳам ваҳимага тушиб қолишди. Мана олдимиздаги ўриндиқдагилар радиодан янграётган қўшиқни эшитишни хоҳламаётгандек қулоқларини беркитиб олишди. Четда ўтирган чолнинг кўзлари юм-юмалоқ бўлиб кетибди. Тўсатдан радио тириқлаб қолди. Қулоқларимни динг тутган эдим, диктор қизнинг овози эшитилди:

—Баъзи бир техник сабаблар туфайли самолёт ҳозирча Олмаотага қўнолмаяпти...

—Иш тамом! —тиззасига шап этиб урди ҳамроҳим, —энди бу касофатдан қутулиб кўринг...

Юрагим ўйнаб кетди. Унга қарасам кўзлари жиққа ёш. У бўлиб-бўлиб сўзламоқда эди:

—Ҳаёт дегани мана шундай экан, бизлар дунёга келар эканмиз-у, мушкул аҳволга тушгандагина ақлимиз кирар экан. Энди у-бу ишни бошлайман деганда, нариги дунёга қараб равона бўларканмиз...

Унинг кўнгли бузилиб, овози ўзгариб кетди. Яна нималардир демоқчи бўлган эди, самолёт лип этиб бир қанча метр пастликка ташланди. Орқамизда ўтирган қизлар қичқириб юборди. Нарироқда ўтирган жувон кўзини маҳкам юмиб, лабларини қаттиқ тишлаб олди. Самолёт яна икки марта бояги алпозда юқори-паст ташланиб, чап томонга қийшайди. Яна дикторнинг овози эшитилди:

— Самолёт Болқошга қўнади. Олмаота билан Болқош оралиғида эллик минут учамиз...

Ҳамроҳим дик этиб ўрнидан турмоқчи бўлган эди, белига боғланган камар унга ҳалал берди. У бироз жим қолди-да, кейин умидсиз қўл силтади:

—Шундай қилиб, ўлим хабарини ҳам эълон қилди, денг?

— Нимага ундай дейсиз? —ўзим билмаган ҳолда қаттиқроқ бақириб юбордим. Ҳамроҳим бўлса кўз ёшини артиб, хотиржам сўзини давом эттирди:

— Ростданам шуда, биродар, мана масалан ўзингиз ўйлаб кўринг. Самолёт Ереванидан Тошкентга, Тошкентдан Олмаотага учди. Бу масофа учун сарфланадиган бензин ҳам ўлчоғлик. Энди бўлса Болқошга учяпмиз. Ҳай, майли, Болқошга ҳам етдик дейлик, бироқ Болқош қабул қиладими, йўқми? Мабодо қабул қилмаса-чи, ёки ғилдираги очилмай, яна икки-уч минут айланиб қолсак, унда оқибат нима бўлади?

Мен нима дейишимни билмай, чорасиз елкамни қисдим-да, яна деразага ўгирилдим. Самолёт қуюқ қора тутундек булутларни босиб ҳамон олға қараб учарди. Заминда чироқдан, олис осмонда юлдузлардан дарак йўқ. Атроф гўё зулмат қаърига ғарқ бўлгандек. Нақадар даҳшатли бу кўриниш. Қани ер, қани ёруғлик?!

Ўзим билмаган ҳолда инграб юбордим. Жоннинг ширинлиги шумикин, ёки инсон ўз умидларига етолмаслигини аниқ сезганда шу ҳолга тушиб қолармикин, ишқилиб, ҳар минутни ғанимат билдим. Чеҳрамда қандай ўзгариш, ҳаракатимда нималар қилмоқдаман, билмайман. Аммо ўзимга келиб қарасам, белимга боғланган камарни маҳкам ғижимлаган бўйи тошдек қотиб ўтирибман.

Дикторнинг овози яна жаранглаб кетди. Болқош устида учаётган эканмиз. Болқошда тўрт даража совуқ эмиш. У ерда бир соатча туриб, Олмаотага қайтар эканмиз.

Яна бир оздан сўнг самолёт оҳиста ерга қўнди. Кимдир чапак чалиб юборди. Баъзилар энг яқин одамларини кўриб қолгандек бирбирлари билан қўл олишиб, қучоқлашиб кўришмоқда эди. Қувончли қий-чув кўтарилди. Ҳамроҳим ҳам ўзини қўярга жой тополмай қолди. Қизариб кетган бўйинларини силаб, қўлларини уёққа, бу ёққа силкитиб, менга юзланди:

—Қўрқдингизми ўртоқ?

—Ҳа, албатта.

—Менда жон-пон деган нарса қолмади, —бошини орқага ташлаб кулди у, —аммо мендан ҳам баттарроқ ёнимдаги киши қўрқиб кетибди. Самолёт боя бир чайқалган пайтида биқинимни шундай ғижимлаган эди, кўзларимдан ўт чақнаб кетди.

Шодликдан қий-чув билан Болқош аэровокзалига кириб кетдик. Кула-кула овқатландик.

— Одам деган шу, — олтин тишларини дастрўмоли билан артиб сўзларди ҳамроҳим, —ёруғ жаҳонда ҳеч нарсанинг қадрини билмас эканмиз, худди ўлмайдигандек, бир-биримизни ранжитарканмиз. Кўзимизга ўлим соя солса, холимиз боягидай, вой тавба...

Шу пайт ёши анчага бориб қолган бир киши келиб, ёнимиздаги ўриндиққа ўтиришга ижозат сўради.

—Бўш эмас, —қўполлик билан жавоб берди ҳамроҳим. Ҳалиги одам унинг қўполлигидан ранжидими, ёки энди бўш ўринни қаердан топишни ўйлаб боши қотдими, хуллас, анчагина туриб қолди-да, кейин бирдан йироқлашди.

— Нега ёлғон гапирасиз? —сўрадим ҳамроҳимдан.

—Суҳбатнинг «белига тепган» кишини ёмон кўраман.

—Ахир мўйсафид киши экан, яхши қилмадингиз.

— Бўлмаган гап, —менга ҳам қўполлик билан қўл силтади у, —мўйсафид бўлса ўзига. Биз ҳам ҳеч кимнинг кичиги эмасмиз.

Орага ноқулай сукунат чўкди. Кўчага чиққанимизда дикторнинг овози эшитилди:

—4264 рейс билан Олмаотага учадиган йўловчилар диққатига! Самолётга чиқариш бошланди...

Уйғур тилидан

Ҳайдарали НИЕЗОВ таржимаси.

Шаҳримизнинг Октябрь районидаги Ҳамза номли музика мактаби ёш авлодга музика маданиятини ўргатаётган ўқув юртларидан биридир. Бу ерда ўз касбининг устаси бўлган моҳир педагоглар ёрдамида ўқувчилар музика санъати сирларини чуқур эгаллашмоқда.

СУРАТЛАРДА: амалий машғулотлар пайти тасвирланган.

М. Нуриддинов фотолари.

• *Баскетбол*

ҲОЗИРЧА ПЕШҚАДАМ

Маълумки, Тошкентнинг «Университет» командаси ўтган йили мамлакатимиздаги энг кучли коллективлар орасида баҳс юритган эди. Лекин, ўйинчиларнинг тез-тез алмашиб туриши ва турнир тажрибасига эга бўлмаганлиги командага қимматга тушди. У мавсум якунида олий лига билан ҳайрлашишга мажбур бўлган эди.

Бу йил тошкентлик баскетболчилар мамлакат биринчилигининг биринчи лигасида беллашишмоқда. Уларнинг олдида турган асосий вазифа яна кучлилар қаторидан ўрин олишдир. Лекин бу вазифани бажариш осон бўлмайди. Бунга эришиш учун дастлабки босқич беллашувларини кўтаринкилик руҳида ўтказиб, финал группасида баҳс юритиш ҳуқуқини қўлга киритиш лозим. Кейин эса биринчи лиганинг энг кучли коллективлари ўртасида бўладиган ҳал қилувчи учрашувларда энг кўп очко тўплаш керак. Ана шундагина белгиланган мақсадга эришиш мумкин.

Свердловск шаҳрида бўлиб ўтган дастлабки учрашувлар тошкентлик баскетболчилар бу йилги мавсум беллашувларига яхши тайёргарлик кўрганликларини исботлади. Улар саккиз учрашувни ғалаба билан якунладилар. Бу натижа уларга турнирда якка пешқадам бўлиб олиш имконини берди. Бироқ, учрашувларда тошкентлик баскетболчиларнинг устунлиги яққол сезилиб тургани йўқ.

Мусобақалар ҳамиша кутилмаган воқеаларга бой бўлади. Бунинг учун бир мисол келтирайлик. Пешқадамлар сафида бораётган Свердловск шаҳрининг «Уралмаш» командаси биринчи лигада биринчи марта баҳс юритаётган Ставрополнинг «Кавказ» командасига ютқазиб қўйди. Тўғри, учрашув тақдири асосий вақтда ҳал бўлмади. Қўшимча белгиланган беш минутликда ставрополлик баскетболчилар ўзларига хос ирода ва жасорат кўрсатиб, учрашув натижасини ўз фойдаларига ҳал қилишга муваффақ бўлишди.

«Университет» билан бўлган учрашувда ҳам «Кавказ» командасининг вакиллари фақат ғалабани кўзлаб ҳаракат қилишди. Бу сафар омад ҳамшаҳарларимизга ёр бўлди. Шундай қилиб, «Университет» бўлиб ўтган учрашувлар натижасига кўра пешқадамликни қўлда сақлаб турибди.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

Болалар муассасалари, ўқув юртлари, ҳунар-техника билим юртлари, интернатлар раҳбарлари, ташкилотлар ва муассасаларнинг маҳаллий комитетлари, касаба союз комитетлари раҳбарлари диққатига шуни маълум қиладики

МОСКВА ЦИРКИНИНГ АРТИСТЛАРИ ИЖРОСИДА

«ЦИРКДА АРЧА»

янги йил томошаларига

1981 ЙИЛ 25 НОЯБРДАН ОЛДИНДАН БИЛЕТ СОТИШНИ БОШЛАЙДИ

Томошалар 1981 йилнинг 25 декабридан, 1982 йилнинг 10 январигача соат 10.00, 13.00, 16.00 ва 19.30 да кўрсатилади.

Олдиндан билетлар сотиш кассаси соат 10 дан 20.00 гача ишлайди.

Коллектив бўлиб келиш учун буюртмалар қабул қилинади.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 44-35-91, 44-28-04.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ГОСКОМТРУД УзССР

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТОШКЕНТ АЭРОПОРТИГА

юк ташувчилар, электр-газ пайвандловчилар, бўёқчилар, авиатехниклар, автослесарлар, сантехниклар, учиш аппаратларини ювувчилар, санитаркаларни

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»НИНГ 1-УЙСОЗЛИК КОМБИНАТИГА

кўприк ва тўрт оёқли кранларнинг кранчилари, арматурачилар, бетончи-қолипловчилар, электр пайвандловчилар, слесарларни. Ёлғиз кишиларга ётоқхонадан жой берилади.

ЛЕНИН РАЙОНИ ЕНГИЛ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

тўқувчилар, попук урувчилар, матога гул туширувчилар, слесарлар, машинисткаларни

АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОНИ ОБОДОНЛАШТИРИШ ТАШКИЛОТЛАРИГА

ҳайдовчилар, юк ташувчилар, газ-электр пайвандловчиларни

ЧИЛОНЗОР РАЙОН САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

фрезерчилар, штамповкачилар, қирқувчилар, автоматчилар, прессловчилар, ёрдамчи ишчилар, катта мастерлар, мастерларни

Маълумотлар ва йўлланмалар олиш учун мурожаат этилсин:

МАРКАЗИЙ ПУНКТ — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.

ЛЕНИН РАЙОН ПУНКТИ— Т. Шевченко кўчаси, 56-уй.

ОКТЯБРЬ РАЙОН ПУНКТИ — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.

ЧИЛОНЗОР РАЙОН ПУНКТИ — 2-квартал, 3-уй.

ФРУНЗЕ РАЙОН ПУНКТИ—Ш. Руставели кўчаси, 62-уй.

ҲАМЗА РАЙОН ПУНКТИ —М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.

КУЙБИШЕВ РАЙОН ПУНКТИ — К. Маркс кўчаси, 59-уй.

КИРОВ РАЙОН ПУНКТИ — Энгельс кўчаси, 89-уй.

С. РАҲИМОВ РАЙОН ПУНКТИ — Қорасарой кўчаси, 270-уй.

А. ИКРОМОВ РАЙОН ПУНКТИ — 22-квартал, 13-уй.

СЕРГЕЛИ РАЙОН ПУНКТИ — район ижроия комитети, Совет Армияси майдони.

Ўзбекистон ССР аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлигининг

ТОШКЕНТ ШАҲАР ЎҚУВ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОМБИНАТИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича:

ҚЎШИМЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

пойафзал ремонти бўйича мастер. Ўқиш муддати— 4 ой. Стипендия— 60 сўм; эркаклар залининг сартароши, аҳолининг якка тартибда буюртмаси бўйича мебелларни тайёрлаш ва ремонти бўйича мастер, плоскофанговали машиналарда тўқишнинг тўқувчилари, рангли фотосурат ишлари бўйича фотограф. Ўқиш муддати —9 ой, стипендия ойига 30 сўм.

16 ёшдан 30 ёшгача бўлган, 8— 10-синф ҳажмида маълумотли йигит ва қизлар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Машғулотлар 1982 йилнинг январь ойида бошланади.

Битирувчилар ўқишни тугатганларидан кейин Тошкент шаҳридаги маиший хизмат корхоналарига ишга юбориладилар.

Ўқиш вақти узлуксиз меҳнат стажига қўшилади.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим: директор номига ариза, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисида гувоҳнома, медицина справкаси (286-формали), турар жойидан справка, 3 та фотосурат (3х4 см.).

Ушбу адресга мурожаат этилсин: 700053, Тошкент шаҳри, Киров райони, 1-Мингўрик кўчаси, 9-уй (19, 115-автобуслар; 2, 16-трамвайларнинг «Ўзбексельмаш» заводи бекати). Телефон 35-25-64.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг

127-ТОШКЕНТ ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисослар бўйича

1982 йил учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

эркаклар ва болалар пальтолари тикиш бўйича тикувчи-моторист, болалар пальтоси тикиш бўйича тикувчи-моторист, хотин-қизлар енгил пальтоларини тикиш бўйича тикувчи моторист, тикув ишлаб чиқариш контролерлари.

Ўқиш муддати: 10 синф ҳажмида маълумоти ҳамда ўқув ишлаб чиқариш комбинатини тамомлаганлиги тўғрисида гувоҳномаси бўлганлар учун—**6 ой, ойига 70 сўм стипендия**, 10 синф ҳажмида маълумоти бўлганлар учун—**бир йил, стипендия 30 сўм;** 8 синф ҳажмида маълумоти бўлганлар учун— **3 йил.** Ўқувчилар давлат томонидан тўлиқсиз таъминланадилар, кийим-кечак оладилар.

Ўқувчилар ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида топган иш ҳақларидан 50 процентини оладилар. Ўқиш даври меҳнат стажига қўшилади.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш керак: директор номига ариза, паспорт ёки туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, турар жойидан, ота-онасининг иш жойидан, медицина (286-форма) справкалари; 4 та фотосурат (3х4 см. ҳажмда), мактабдан характеристика.

Мурожаат учун адреслар: Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 60-уй — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикув ишлаб чиқариш бирлашмасининг территорияси (2, 9, 18, 19, 21, 26, 51, 60, 72, 81, 47, 62, 89, 24-автобуслар; 2, 16, 25, 28, 3, 22, 23-трамвайларнинг **«Олой бозори»** бекати);

Тошкент шаҳри, Магазин мавзу кўчаси, 136-уй— Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикув ишлаб чиқариш бирлашмасининг территорияси (10«э», 43, 88-автобуслар, 27-трамвайнинг **«Шимолий Олмазор»** бекати);

Тошкент шаҳри, Чехов кўчаси, 5«а»-уй (3, 80, 60, 2, 25-автобусларнинг «Қизил тонг» бекати; 5, 2, 1, 8-трамвайларнинг «Қизил тонг» фабрикаси» бекати).

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 25/XI да **Оқ танлилар** (16.00), 26/XI да **Оқ танлилар** (16.00), 27/XI да **Ғариблар.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 25/XI да **Олифта** (16.00, 19.00), 26/XI да **Ужарлар** (15.00, 19.30), 27/XI да **Ёшликда берган кўнгил.**

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — янги программа «ПРОМЕТЕЙ» цирк спектакли.

КИНО

25 НОЯБРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ИМТИҲОН»— **Қозоғистон.**
«ТУЛА ЖАСОРАТИ» —**Восток.**
«ХАВФЛИ ЎЙИН»— **Пионер.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЁН ДАФТАРНИНГ СИРИ» — **Тинчлик** (жуфт соатларда), **Искра** (16, 18, 19.45).

«УМР ЙЎЛДОШИМ БЎЛИНГ» — **Нукус** (тоқ соатларда), **Ҳамза номли** (жуфт соатларда), **Қозоғистон** (тоқ соатларда), **ВЛКСМнинг 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда), **Чайка** (жуфт соатларда), **Москва** (тоқ соатларда).

«СИРЛИ ЗАНЖИРЧА» — **Қозоғистон** (жуфт соатларда).

26 НОЯБРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ИМТИҲОН»— **Қозоғистон.**
«ТУЛА ЖАСОРАТИ» — **Восток.**
«ХАВФЛИ ЎЙИН»— **Пионер.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЁН ДАФТАРНИНГ СИРИ» — **Искра** (16, 18, 19.45).

«УМР ЙЎЛДОШИМ БЎЛИНГ» — **Қозоғистон** (тоқ соатларда), **ВЛКСМнинг 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда), **Чайка** (жуфт соатларда), **Москва** (тоқ соатларда), **Восток** (жуфт соатларда).

«СИРЛИ ЗАНЖИРЧА» — **Қозоғистон** (жуфт соатларда).

«СТРОЙМЕХАНИЗАЦИЯ» трестига

машинистлар, минорали кранлар, экскаваторлар, бульдозерлар, ўзиюрар кранлар, автокранлар ҳайдовчилари, шофёрлар, автомашиналар ремонти бўйича слесарлар, электр слесарлар, йўл монтёрлари, электр пайвандловчилар, токарлар, слесарь-монтажчилар, дурадгорлар

КЕРАК

Ёлғиз кишилар прописка ва ётоқхона билан таъминланадилар, оилалилар эса умумий тартибда квартира оладилар.

Ушбу адресга мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй — аҳолини ишга жойлаштириш бюроси.

ЧИЛОНЗОР РАЙОНИНИНГ ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИГА

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА

ишлаш учун

ИШГА ТАКЛИФ ЭТИЛАДИ

ғишт терувчилар, дурадгорлар, бетончилар, сувоқчи-бўёқчилар, арматурачилар, минорали кран машинисти, слесарь-сантехниклар, юк ташувчилар, пайвандловчилар, кошинловчи-мозаикачилар;

ТРАССАЛИ ШАРОИТЛАРДА:

автокран машинистлари, изолировкачилар, бульдозерчилар, меҳнат ҳақи — ишбай, трассали шароитларда ишлашда район коэффициенти ва 30 процент трасса ҳақи тўланади.

Кичик оилалилар уй-жой билан таъминланадилар, иш жойи бўйича трассада вагонча-уйларга прописка қилинадилар.

Тошкент шаҳрида эса навбати билан уй-жой оладилар. Ушбу адресга мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5 хона —аҳолини ишга жойлаштириш марказий пункти ва Тошкент шаҳар район ижроия комитетларидаги инспекторларга учрашилсин.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

25 НОЯБРЬ— ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.25 Вюртемберг камер оркестрининг концерти (ГФР). 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Экономика тежамли бўлиши керак». Қурилишда маҳаллий материаллардан фойдаланиш тажрибаси ҳақида. 19.50 «Халқ жилолари». Концерт. 20.20 «Сенинг фарзандинг, Ер!». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия. 21.30 «Время». 22.50 «Серенада». Музикали программа. 23.00 «Дунё воқеалари». 23.15 «СССР халқ артисти И. Ильинский Совет авторларининг асарларини ўқийди». Фильм-концерт.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси.

19.30 Псков рус халқ хори ижро этади. 19.50 «Мирный». Телевизион ҳужжатли фильм. 20.15 «Қишлоқ янгиликлари». 21.15 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 21.30 «Время». 22.15 «Ёшлик қирғоқлари». Бадиий фильм.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Ҳамма гап шляпада». Мультфильм. 18.20 Мактаб ўқувчилари учун. «Камалак». 18.50 «Қувончга қувонч қўшиб». Телефильм. 19.10 «Партия турмуши». «Социалистик мусобақага партиявий раҳбарлик». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 Адабий театр. Рамз Бобожон. «Минг бир турна». Шоир туғилган кунининг 60 йиллигига. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Дил тароналари», Концерт. 21.30 Москва. «Время». 22.15 «Гулла диёрим менинг». Концерт. 23.25 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Бинокор» — «Молот» (Пермь). «Юбилейный» спорт залидан олиб кўрсатилади. 3-давр. 23.10 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги. 24.00 Кўрсатувлар программаси.

II

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 «Эртанги кун ташвишлари». Телефильм. 18.30 «Жануб гуллари». Фильм-концерт. 19.00 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Химия. 20.00 Янгиликлар. 20.20 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Француз тили. 20.50 «Бурят жилолари». Телефильм. 21.00 «Қонун қўриқчилари».

26 НОЯБРЬ— ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.50 Эрталабки гимнастика. 10.15 «Горнчилар, қаердасиз!». 10.45 «Сенинг фарзандинг, Ер!». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 11.55 «Импровизациялар». СССР халқ артисти Н. Тимофеева ва СССР Давлат академик Большой театри балетининг солисти В. Анисимов иштирокида фильм-концерт. 12.20 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Англаш». Ереванда ўтказилган IX Бутуниттифоқ телевизион фильмлар фестивали жюрисининг совринига сазовор бўлган телевизион ҳужжатли фильм. 15.45 Шахмат мактаби. Бошловчилар синфи. 16.15 Монголия Халқ Республикаси деб эълон қилинган кунининг йиллигига. «Монголиянинг баланд осмони». Ҳужжатли фильм. 17.10 Монголия Халқ Республикаси Давлат ашула ва рақс ансамблининг концерти. 17.40 Кинорежиссёр Р. Кармен туғилган кунининг 75 йиллигига бағишланган ҳужжатли фильм. 17.55 «Орлёнок» телестудиясининг концерт зали.

18.40 «Миллионлар ленинча университети». «Замонавий қишлоқнинг социал проблемалари». Кўрсатувда СССР 50 йиллиги номли совхоз директори В. П. Мосолов иштирок этади. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Спорт гимнастикаси бўйича жаҳон чемпионати. Эркаклар. Эркин программа. «Олимпийский» спорт комплексидан олиб кўрсатилади. 20.05 «Барокко» камер ансамбли чалади. 20.25 «Сенинг фарзандинг, Ер!». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-серия. 21.30 «Время». 22.05 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — МАСК. В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Спорт майдонидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (23.10) — «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

9.00 «Время». 9.50 Ҳужжатли фильм. 10.05, 12.00 ва 17.00 Испанча сўзлашинг. 10.35, 11.35 Умумий биология. 10-синф. Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши. 11.00 Э. Межелайтис поэзияси. 12.30 А. П. Чехов. Ялтада. 12.40 ва 13.35 Зоология. 7-синф. Балиқларнинг хилма-хиллиги. 13.05 ва 17.30 «Сиз яратган боғ». 14.00 В. Овечкин. Асарлари саҳифаларида. 14.45 Ўқитувчи экрани. Физика. 9-синф. Электр майдони. 15.15 «Соялар чошгоҳда ғойиб бўлади». Телевизион бадиий фильм (субтитр билан). 4-қисм. 16.50 Ҳужжатли фильмлар программаси.

19.30 Украина ССРда хизмат кўрсатган «Ятрань» халқ рақс ансамблининг концерти. 20.15 Илмий-оммабоп фильмлар программаси: «Ҳақиқат йўлидан», «Библия. Ривоят ва фактлар». 20.45 Камер куйларидан концерт. Петрозаводскдан олиб кўрсатилади. 21.15 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 21.30 «Время». 22.05 «Лев Гурич Синичкин». Телевизион бадиий фильм.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Мактаб ўқувчилари учун. «Ёш куч». 18.30 «Ёш гвардиячи Борис Главан». Телефильм. 19.00 «Ота-оналар университети». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Халқ контроли экрани» (рус.). 20.15 «Қуёш мевалари». Телефильм. 20.30 «Ахборот». 20.55 «Карнай овози». Фильм-концерт. («Ўзбектелефильм»). 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Турмуш ва маданият». Комсомолобод чўлқуварлари ҳузурида. 22.25 Телевидение экранида биринчи марта. «Келгинди аёл». Бадиий фильм (рус.). 24.00 Кўрсатувлар программаси.

II

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 Адабиёт. Ойбек ижоди. 18.40 Реклама. 19.00 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Назарий механика. 20.00 Янгиликлар. 20.20 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Инглиз тили. 20.50 «Дворжак куйлари». Телефильм. 21.30 MT IV.

Тошкент шаҳар дорихоналар бошқармаси маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари 8-аптека мудири Х. Т. Толиповга ўғли

Абдуқаҳҳор ТОЛИПОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

4 ТОШКЕНТ ОҚШОМИ бет

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41 ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат, —33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-63-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83 совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19. фан, мактаб ва олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот—33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими —33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

Р—16629. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. В—2199. ИНДЕКС 64690 .6